

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

ТЎРТКЎЛДА ИЛК БОР

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ СИНОВ ТАРИҚАСИДА БОДИ-КАМЕРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– Ушбу амалиёт Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва Тўрткўл тумани ҳоқимлиги ҳамкорлигида синов тариқасида амалга оширилмоқда, – дейди туман ИИБ бошлиғи, полковник Зияўатдин Зайтов. – Бундан кўзланган асосий мақсад профилактика инспекторларининг кундалик иш фаолиятини назорат қилиш ва олиб борилган ишларни видеоёзувлар орқали таҳлил этиб боришдан иборат. Ўйлаймизки, боди-камералар нафақат профилактика инспекторлари фаолиятига тўғри баҳо бериш, балки келгусида мавжуд камчиликларни бартараф этишда ҳам муҳим ўрин тутлади. Сир эмас, ҳозир ижтимоий тармоқлар орқали ички ишлар органи ходимлари шаънига доғ туширадиган

турли хабарлар тарқатилиши кузатишмоқда. Мазкур боди-камералар ходимлар ва фуқароларнинг хатти-ҳаракатларига, бир сўз билан айтганда, вазиятга ойдинлик киритишда қўл келиши шубҳасиздир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу боди-камералар 64 Гб хотирага эга бўлиб, унинг 16 мегапикселли камераси 140 градус ўлчамда тасвирга олиш имкониятига эга. У автоматик тарзда куну тун ишлаб, захира қувватлантиргичи билан 10–15 соатгача тинимсиз видеоёзувни қайд этиб боради. Тунги пайт эса инфрақизил ёритиш қурлимаси 15 метргача масофани ёритиб, 8 метрдан инсон юзини аниқлай олади.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«Postda» мухбири.
Қорақалпоғистон Республикаси.



ФАРМОН ВА ИЖРО

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ
ЁРҚИН ИФОДАСИ

Ҳаёт текис йўллардан иборат эмас. Бу йўлларда гоҳ қоқилиш, гоҳ йиқилиш ҳам мумкин. Муҳими, бир бор қоқилган одам қайта қоқилмаслиги, тўғри йўлни топиб олишидир. Сабрли ва оқил, имон-эътиқодли одамлар йўл қанчалик машаққатли бўлмасин, уни ёруғ юз билан босиб ўтади. Бироқ, шундай одамлар ҳам борки, иродасизлик қилиб, эгри йўлларга кириб кетади. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган, айна пайтда қонуний жазосини олиб, бундан ўзига тўғри хулоса чиқара олган шахсларга имкон бериш, уларни кечириб эса инсонпарварлик намунаси.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ, 104 нафар фуқаро афв этилди.

Уларнинг 6 нафари асосий жазодан тўлиқ, 50 нафари жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслардир. Озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар эса 17 нафарни ташкил этади. Шу билан бирга, 41 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Этиборга молик яна бир жиҳат, афв этилганларнинг 13 нафари чет эл фуқароларидир. Шунингдек, 60 ёшдан ошган 9 нафар шахс, бир нафар аёл ҳамда тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган 21 нафар

шахс ҳам мазкур фармон билан афв этилди.

Қайд этиш керакки, фармон ижросини таъминлаш юзасидан мутасадди вазирликлар, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу жараёнда



нафақат уларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, балки ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишига ҳам муҳим масала сифатида эътибор қаратилаётгани аҳамиятлидир. Шу мақсадда жойларга тегишли кўрсатмалар берилиб, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

– Тўғри йўлдан адашиб оилам бошига қанчадан-қанча ғам-ташвишларни солдим, – дейди афв этилганлардан бири, сурхондарёлик Н.Шерқобилов. – Қанийди, вақтни ортга қайтаришнинг иложи бўлса-ю, қилган хатоларимни тузата олсам.

Олдимга қўйган мақсадларим бор. Аввало, йўлимга кўз тиккан яқинларим билан бундан буёғига бахтли яшашни истайман. Элу юртга сидқидилдан хизмат қилиш ниятидаман. Бизни афв этган, яқинларимиз бағрига қайтишга имкон бергани учун Юртбошимизга, халқимизга миннатдорлигимни билдираман.

Афв этилган шахсларни уйларига кузатар эканмиз, дилимиздан хурсандчилик аралаш ажиб туйғулар ўтди. Юксак бағрикенглик ифодаси бўлган Президентимизнинг афв тўғрисидаги фармони нафақат ундан баҳраманд бўлган инсонларга, балки уларнинг ортида турган оила аъзолари ва яқинларига ҳам шоду хуррамлик улашишини ўйлаб севиндек.

Ҳадича ЎТАЕВА,
лейтенант.

Шу кунларда БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД) томонидан «Кейинги чегара – инсон камолоти ва антропоцен» деб номланган 2020 йилги инсон камолоти ҳисоботининг навбатдаги нашри тақдим этилди.

«КЕЙИНГИ ЧЕГАРА – ИНСОН КАМОЛОТИ ВА АНТРОПОЦЕН» – инсон тараққиёти йўлидаги муҳим ҳисобот



Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ахборот хизмати хабарида инсон камолоти тўғрисидаги ушбу ҳисобот БМТТД томонидан 1990 йилдан бошлаб нашр этилаётгани ва Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари 1993 йилдан буён қайд этилаётгани таъкидланган.

Инсон камолоти индекси ҳисоботи инсон тараққиёти йўлида 3 та асосий омил – узоқ ва соғлом ҳаёт кечириб, билим олиш ҳамда муносиб турмуш даражаси бўйича эълон қилинадиган статистик маълумотлар тўплами ҳисобланади. Ўзбекистон мазкур ҳисоботда дунёнинг 189 мамлакати ичида 106-ўринни эгаллаб, 2019 йилдаги ҳисобот натижалари билан солиштирилганда икки поғона юқорига кўтарилган.

ЮКСАК МУКОФОТ СОҶИБЛАРИ

ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР



«Шухрат» медали соҳиби,
майор Аҳрор ҚУРБОНОВ

Аҳрор ўқиган мактабга вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ходимининг ташрифи ундаги ички ишлар органи ходими бўлиш иштиёқини янада кучайтирди. Шу боис барча фанларни аълога ўзлаштириб, ҳуқуқ, тарих, она тили фанларини чуқур ўрганди. Ўрта мактабни тугатиб, етуқлик шаходатномасини қўлга олган Аҳрор отаси Абдукарим акага болалиқдан йўлдош бўлиб келаётган орзусини айтди. Етти фарзанди орасида кенжаси Аҳрор-

нинг бу ниятини тинглаган ота унга аввал бирор олийгоҳда ўқиши, сўнгра ички ишлар органларига хизматга киришни маслаҳат берди. Ота маслаҳати Аҳрорга катта ишонч бўлди.

У қалбдаги истакни амалга ошириш учун 1999 йилда Қарши давлат университети-нинг амалий математика факультетига ҳужжат топширди. Дарсдан сўнг қўшимча машғулотларга қатнаб олган билимлари қўл келиб, талаба бўлган Аҳрорнинг тиришқоқлиги, ташаббускорлиги, дарс машғулотларини беками кўст бажариши устозлари эътиборини қозонди. Университетни муваффақиятли битиргач, 2007 йилда ички ишлар органларига ҳужжат топширди. Синовлардан муваффақиятли ўтган Аҳрор Қурбонov вилоят ИИБ Қўриқлаш бошқармасида илк хизматни бошлади. Албатта, назария билан амалиётни уйғунликда олиб бориш учун фақатгина билимнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун ходим соҳада хизмат қилиб, тажрибали устозга эҳтиёж сезади. Шу мақсадда у вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ

бошлиғи бўлиб ишлаган полковник Рўзиқул Қурбонov, бошқарма ППХ ва ЖТСБ РЭМ бошлиғи, майор Мақсуд Самадовдан соҳанинг сир-асрорларини ўрганди. Буларнинг бари кейинги йилларда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ тизимида устозлари билан бирга ишлашида асқатди. Дастлаб бошқарма ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони кинологи лавозимида хизмат қилган Аҳрор Қурбонov Қарши шаҳар ИИБда профилактика инспектори, кейинчалик шу бўлимда ЖТСБ бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди.

Соҳага замонавий технологиялар жорий этилиб, компьютер воситалари билан таъминланаётган бир даврда Аҳрор университетда олган билимлари, касбига бўлган қизиқиш боис янги техникалар билан тиллашиб, ҳамкасблари эътиборини қозонди. Ўтган давр мобайнида жиноятларни фож этиш, оммавий ва маданий тадбирларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида билим ва маҳоратини ошириб борди. Шу орада у бошқарманинг назорат-лицензиялаш гуруҳи

муҳим топшириқлар бўйича инспектори лавозимида ўтказилди.

Вилоят ҳудудида ўтказилаётган «Пиротехника», «Арсенал», «Қурол» ва бошқа махсус тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этди. Хусусан, 2019 йил декабрь ойида пиротехника воситаларини ноқонуний равишда сақлаш, сотиш ҳамда тарқатиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш ва бошқа қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш мақсадида ўтказилган тезкор-профилактик тадбирлар натижасида жами 35 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланишига, турли кўринишдаги жами 1527864 дона бўлган 198427200 сўмлик пиротехника воситалари олиниб, тегишли тартибда йўқ қилинишига эришди.

2020 йилнинг август ойида ўтказилган «Арсенал» профилактик тадбири давомида мутасадди идоралар ҳамда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда вилоят ички ишлар органлари томонидан 151 та рўйхатга олинган объект, 2515 нафар овчининг ов қуроллари текшириб чиқилди. Текширувлар давомида шахсий ўқотар ов қуроллари-



ни сақлаш тартибини бузган 35 нафар шахсга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Олиб борилган профилактик тарғибот тадбирлари натижасида фуқаролар томонидан жами 12 дона ўқотар қурол ва ўқ-дорилар ҳудудий ички ишлар органларига топширилди.

Вилоят бўйича 49 та ўқотар қурол ва 150 дона ўқ-дори ноқонуний сақланаётгани аниқланди, шундан 45 та ўқотар қурол ва 150 дона ўқ-дори фуқаролар томонидан ўз ихтиёрлари билан топширилди.

Халқимизда хизмат қилган элда азиз, деган гап бор. Президентимиз фармонида биноан, унинг «Шухрат» медали билан тақдирлангани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Содиқ РАҶИМОВ,
«Postda» мухбири.

Қашқадарё вилояти.

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

СЛУЖБА ПО ПРИЗВАНИЮ

Защита прав и интересов граждан, надежное обеспечение общественной безопасности, непримиримая борьба с любыми проявлениями преступности – главная цель сотрудников, служащих в органах внутренних дел по призванию. Среди них – начальник отделения внутренних дел № 1 ОВД Букинского района Ташкентской области капитан Дилшод Жанбиев.



Трудовой день капитана Дилшода Жанбиева начался с доклада дежурного об обстановке на вверенной территории. Затем состоялась утренняя разведка, оперативное заслушивание инспекторов профилактики, инструктаж сотрудников, дача поручений по раскрытию правонарушений, в том числе кражи крупной суммы денег из дома гражданина, проживающего в махалле Ровот.

– Особо обратите внимание на молодчиков, которые, по имеющейся у нас информации, «крутились» вечером на территории махалли, – произнес капитан Жанбиев.

В результате слаженной работы сотрудников отделения было установлено, что злоумышленниками, проникшими в дом С. Р., 1945 года рождения, и похитившими 8 500 долларов, являются трое жителей Сырдарьинской области. Во взаимодействии с коллегами из соседней области данные лица были задержаны. По «горячим следам» раскрыто еще одно преступление... Службу в органах внутренних дел

Дилшод Жанбиев начал в 2010 году, в отделе охраны при ОВД (ныне УВД) города Ангрена. Через четыре года энергичного молодого сотрудника назначили на должность инспектора профилактики в ОПП, где ему было присвоено первое офицерское звание лейтенанта. В 2017 году Д. Жанбиева перевели оперуполномоченным ОУР ОВД Букинского района.

Своими наставниками капитан Жанбиев считает ныне сержанта в отставке Элдора Шатирбекова, майора в отставке Абдурахмона Захурова, подполковника Бекзода Мартавалиева, майора Жасура Маметова – профессионалов своего дела, опытных стражей правопорядка, с которыми он служил плечом к плечу.

С 2019 года Д. Жанбиев возглавляет отделение внутренних дел № 1 ОВД Букинского района. Личный состав подразделения несет службу по обеспечению общественной безопасности, борьбе с преступностью и ее профилактике в махаллях Бустон, Чулобод, Бука, Жураобод, Кукорол, Бахмал, Уртатепе, Истиклол,

Равот, Катта Равот, Навобод, где проживают свыше 29 тысяч человек. Территория непростая, граничит с Бекабадским, Пскентским районами, Сырдарьинской областью, а также с Таджикистаном. Однако целенаправленная деятельность подразделения дает положительные результаты в профилактике правонарушений, проявляется в неуклонном укреплении здесь правопорядка. Не в последнюю очередь этому способствуют патрулирование (в том числе ночное) территории, установка в махаллях камер видеонаблюдения, внедрение в деятельность современных компьютерных программ учета и анализа.

В центре внимания – создание достойных условий для несения службы сотрудниками подразделения.

– Инспектора профилактики обеспечены служебным жильем на территории обслуживания, на льготных условиях кредитования им выданы автомобили, что позволяет незамедлительно реагировать на каждый поступивший сигнал о противо-



правном действии, – рассказывает Д. Жанбиев. – В минувшем году здание отделения было полностью реконструировано. Здесь созданы необходимые условия для эффективной работы. Это побуждает нас служить с еще большей отдачей.

Недавно за плодотворный труд, существенный вклад в дело обеспечения общественной безопасности и спокойствия народа Указом Президента страны капитан Дилшод Жанбиев был награжден медалью «Содиқ хизматлари учун».

– Государственная награда – одновременно большая честь и огромная ответственность, – говорит наш герой. – Награда – не только моя, но и моих коллег, с которыми служим во имя Отчизны, благополучия народа. Буду служить, оправдывая оказанное высокое доверие.

Радик ТУМΠΑРОВ,
корреспондент «На посту».

Ташкентская область.

ЭҶТИРОМ

ҲАМКАСБ ВА
ШОГИРДЛАР АРДОҒИДА

ИИВ Тиббиёт бошқармаси Марказий госпиталида ички ишлар органлари ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларининг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашни фаолиятининг мазмуни деб билган кўплаб ўз касбининг фидойи ва жонкуярлари хизмат қилади.

Яқинда ана шундай фидойи тиббиёт ходимларидан бири, Марказий госпиталь бошлигининг биринчи ўринбосари – шифокор, полковник Мархабо Ҳалимбоевани тантанали равишда ҳамкасблари, шогирдлари ва яқинлари иштирокида пенсияга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, подполковник Шуҳрат Нишоннов ва бошқалар сўзга чиқиб Мархабо Ҳалимбоевнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида тўхталиб ўтди. Полковник М. Ҳалимбоева фаолиятини 1999 йилда ИИВ Марказий поликлиникаси терапевт-шифокори лавозимидан бошлаган. 2004 йилдан бери ИИВ Марказий госпиталида турли лавозимларда самарали хизмат қилди. Қайси лавозимда ишлагани, беморга янги яхши даво, аввало, ширинсўз ва хушмуомалалик эканини мудом ёдида тутган Мархабо Ҳалимбоева, ўзининг инсоний фазилатлари билан ҳамкасблари ҳурматини ҳамда беморлар меҳрини қозонди.

Ҳар қандай фидойи хизмат кадр топади, деганларидек, шу куни М. Ҳалимбоева Ички ишлар вазирлигининг III даражали «Бенуқсон хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ўз навбатида, пенсияга кузатилаётган ички ишлар органлари ходимла-

ри ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш, ёш ходимлар таълим-тарбияси, осойишталик посбонларининг саломатлигини сақлашдек эзгу ва шарафли вазифани амалга оширишга ҳисса қўшишдек улкан бахт насиб этганини эҳтиром билан таъкидлаб, бундай юксак ҳурмат ва эъзоз учун вазирлик раҳбариятига алоҳида миннатдорлик билдиришди.

Сардор СОҚИЕВ,
капитан.

Худди шундай тадбир Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш



Тошкент шаҳар марказида ҳам бўлиб ўтди. Марказда кўплаб ёш осойишталик посбонларига устозлик қилган подполковниклар Ш. Ибрагимов, Қ. Аманов, М. Шахакимов, Р. Ҳайдаровлар тантанали равишда пенсияга кузатилди.

Тадбирда марказ бошлиғи, полковник А. Усмонов ва бошқа сўзга чиққанлар, устоз-мураббийлар, уларнинг эзгуликка йўғрилган ибратли фаолияти хусусида самимий фикр билдирдилар. Шунингдек, ҳамкасблари ҳамда шогирдлари ардоғида пенсияга чиқиш улкан бахт эканини алоҳида эътироф этишди.

Ўз мухбиримиз.

СУЛОЛА

«ПОЛКОВНИКЛАР АВЛОДИ ДАВОМЧИСИ БЎЛАМАН!»

Дунёда касблар кўп. Аммо ҳар бири ўзига хос. Аммо осойишталик посбони бўлишнинг масъулияти ўзгача. Чунки тинчлик энг азиз неъматлардан биридир. Шу боис ички ишлар органлари тизимида хизмат қилиш ҳар бир йигит-қизнинг эзгу орзуси.

Мен умрини халқ осойишталигига бахшида этган инсонлар оиласида камол топяпман. Бугунги кунда Фарғона вилояти ички ишлар органлари тизимида катта бобом – полковник Мадаминжон Бобораҳимовдан бошланган сулолани кўпчилик яхши танийди. Улар ўз умрини эл-юрт тинчлигига бахшида қилган инсонлардан биридир.

Бобом, истеъфодаги полковник Фуломжон Бобораҳимов ҳам ота касбини давом эттириб, ички ишлар органларида кўп йиллар самарали фаолият олиб борди. Кўплаб медал ва унвонлар соҳиби бўлди. Дадам – майор Алимардон Низомов, тоғам – капитан Акбаржон Бобораҳимов ҳам шу соҳа вакиллари дир.

Сулола анъанасини да-



вом эттириш, ота-бобола-рим касбига бўлган ҳурмат, қизиқиш мени ИИВ Фарғона академик лицейига етаклади. Лицейлар мен каби ёшларнинг келажақда етук кадр бўлиб етишишимизда асосий пойдевор бўлмоқда. Жонкуяр устозлар томонидан бўлажак ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган барча билим, жисмоний тайёргарлик катта масъулият билан ўргатилмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган устозларимдан соҳага оид назарий ва амалий билимларни эгалламоқдаман.

Сулоламизнинг кичик вакили сифатида, келажақда халқ осойишталиги йўлида хизмат қилишни, ота-боболарим касбини давом эттиришни мақсад қилганман. Бу мақсадимга эришиш учун юртимизда барча шарт-шароит етарли. Биздан фақат билим олиш, устозлар сабоғига кулоқ тутиш ва тинимсиз излашни талаб этилади. Мен буни, албатта, уддалайман. Бобораҳимовлар сулоласининг муносиб давомчиси бўламан.

Сардорбек АБДУЛЛАЕВ,
ИИВ Фарғона академик
лицейи ўқувчиси.

ЖАРАЁН

Жорий йилнинг ноябрь ойида Хитойда Zhifei Longcom Biologic Pharmacy компанияси томонидан коронавирусга қарши ишлаб чиқилган бешинчи вакцина Ўзбекистонга олиб келингани, вакцина синовининг учинчи босқичи Ўзбекистонда ҳам ўтказилиши ҳақида хабар қилинганди.

ВАКЦИНАЦИЯ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг тавсияларига кўра, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Вирусология илмий-тадқиқот институти, Соғлиқни сақлаш вазир-

рилмоқда.

– Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co.,Ltd компаниясининг мутахассислари ИИВ Марказий поликлиникаси врач ва ҳамширалари учун вакцинация тадбирларини амалга ошириш бўйича тренинглар ўтказди, – дейди ИИВ СЭНБМ бошлиғи, подполковник Азимжон Маҳаматов. – Хусусан, тиббиёт бошқарма-миз



даволаш-профилактика муассасаларидан 21 нафар шифокор, 21 нафар ўрта тиббий ходим ушбу ўқувларда иштирок этди.

Синовда кўнгиллар таълим олинади. Бунда коронавирус касаллигига чалинмаган ва организмда иммуноглобулин G ва M шаклланмаган кўнгиллар қатнашиши мумкин. Ҳозирда ИИВ Марказий поликлиникасида кўнгиллар учун тиббий кўрик, қон таҳлиллари ва бошқа тиббий

лигининг бош мутахассислари, Ички ишлар вазирлиги тиббий хизмати мутахассислари ҳамкорлигида ички ишлар ходимлари, пенсионерлари ва уларнинг оила аъзолари орасидан кўнгилларни хавфсиз эмлаш бошланди.

Ушбу жараён ИИВ Марказий поликлиникаси, Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИББ Тиббиёт бўлимлари поликлиникаси қошида ташкил этилган вакцинация пунктларида амалга оши-

текширувлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Қолаверса, кўнгилларда тиббий кўриқнинг якуний ҳулосаларида қўшимча касаллик аниқланмаса, вакцина синовлари 30 кун оралиғида уч босқичда амалга оширилади ва кўнгиллар бир йил давомида бириктирилган тиббий ходимлар назоратида бўлади.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Postda» мухбири.

ТАДБИР

Китоб инсонларнинг умр йўллари ёритувчи нур, ҳаётига мазмун бахш этувчи саодат манбаидир. Шу сабабли, азал-азалдан маърифат пешволари, аҳли донишлар бутун инсониятни китоб ўқишга, ундан илму одоб сирларини ўрганишга чорлаб келган.

МАЪНАВИЙ ТЎҚИСЛИККА КИТОБХОНЛИК ОРҚАЛИ

Ички ишлар органлари тизимида ҳам Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижроси-

ни таъминлаш мақсадида Наманган вилояти ИИБ Кадрлар бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни ўтказиб келинаётган «Маънавият ва маърифат» дарсига қўшимча равишда «Китоб-маданиятни ошириш ҳам жорий этилди. Бундан кўзланган мақсад шахсий таркиб орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, ёш кадрларнинг билим савияси ва малакасини ошириш, фуқаролар би-

лан хушмуомалада бўлиш, ходимларнинг дунёқарашини юксалтириш, она Ватани ва халқига садоқат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилишдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам китоб ўқиган киши қайси соҳада фаолият юритмасин, тўғри фикрлаш, мураккаб вазиятларда оқилона қарор қабул қилиш кўникмасига эга бўлади.

Ўз мухбиримиз.
Наманган вилояти.

ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИФИЛИШИ

МАСЪУЛИЯТ, ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ, ФИДОЙИЛИК ҲАР ҚАЧОНГИДАН МУҲИМ

Жорий йилнинг 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Р.Хатамов раислигида Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлари, ўринбосарлари ҳамда шаҳар-туман ички ишлар органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари қатнашган ушбу видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш борасида тизимли ва муросасиз ишлар олиб борилиб, ушбу салбий иллатнинг олдини олиш бўйича давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида кенг қўламли ис-

лоҳотлар амалга ошириляётганлигига тўхталиб ўтилди. Хусусан, сўнгги тўрт йилда коррупциянинг олдини олиш билан боғлиқ қонунчилик базасини мустаҳкамлашга қаратилган 70дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани таъкидланди. Жумладан, 2017 йил 3 январдаги Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомил-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада олиб бориляётган улкан ислохотларнинг яққол мисоли сифатида эътироф этилди.

Ички ишлар органларида ҳам коррупцияга қарши курашиш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилиб, Ички ишлар вазирининг 2019 йил 24 июндаги 164-сон буйруғи билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий ишчи гуруҳ ташкил этилгани, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида тизимли ишлар олиб бориляётгани таъкидланди.

Шу билан бирга, йиғилишда ички ишлар органлари ходимлари ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларнинг аҳволи танқидий муҳокама қилинди. Вазирлик Ўз хавфсизлиги бошқармаси томонидан ҳудудлар ва соҳавий хизматлар кесимида коррупцион жиноятлар ва бошқа салбий ҳолатлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.



Жорий йилнинг 11 ойи давомида коррупцион характерга эга салбий ҳолатларга йўл қўйганлиги учун 23 нафар ходим ички ишлар органлари тизимидан бўшатирилганлиги, уларнинг 11 нафар раҳбари эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги, 40 нафарига эса интизомий жазо чоралари қўлланилганлиги қайд этиб ўтилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш, ходимлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишга масъул бўлган мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди. Келгусида коррупцион жиноятларга ҳамда бошқа салбий иллатларга нисбатан муросасиз-

лик муҳитини шакллантириш бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди, бу борадаги масалаларда раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлиги оширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги ПҚ-3919-сон қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, барча даражадаги раҳбарлар қўл остидаги ходимларнинг хизмат ва хизматдан ташқари фаолиятларига бевосита масъул эканликлари тўғрисида огоҳлантирилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

ЛОЙИҲА – МУҲОКАМАДА

АХБОРОТ ТЎҒРИ ВА ИШОНЧЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Очиқ ахборотни тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумот тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда

Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, шахс, давлат ва жамиятнинг ахборот хавфсизлиги, фуқароларнинг ахборот ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар замонавий жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Буни бугун ахборот оқими тобора тезлашаётган, ахборот-коммуникация технологиялари дақиқа сайин ривожланиб бораётган замонда янада теран англаш мумкин.

Бугун ҳаётимиз шу даражада шиддатлашиб кетдики, дунёнинг нариги бурчагида содир бўлган янгиликдан санокли сониялар ичида хабардор бўлиш имкониятига эга бўлдик. Аммо масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам борки, буни асло ёддан чиқармаслик керак. Ўрганишларга кўра, интернетда, хусусан, ижтимоий тармоқларда ҳар куни миллионлаб ёлғон хабарлар тарқатилмоқда. Баъзилари ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаса-да, айримлари катта шов-шув келтириб чиқариб, салбий оқибатларга сабаб бўлади. Баъзи ижтимоий тармоқлар, сайтлар ва блогерлар қайсидир мансабдор шахс ёки ташкилот вакилидан олган хабарнинг тўғрилигини текшириб кўрмасдан, биринчилардан бўлиб эълон қилишга шошилишади. Ахборот майдонида «улоқни биринчи оқибат кетиш» пайда бўлишади. Лекин бу хабар эълон қилиниб,

токи унинг фейк, яъни ёлғонлиги маълум бўлгунча қанчадан-қанча ОАВда «дўмбира» қилинган, ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб бўлган бўлади. Шу боис дунё давлатлари интернетда тарқатилаяётган ёлғон хабарларга қарши курашиш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан ўз қарашларини илгари сурмоқда, қонунчилигига жиддий ўзгартиришлар киритмоқда.

Мамлакатимиз ОАВда ҳам, хусусан, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда шахснинг кадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга олиб келадиган, жамоат тартиби ёки хавфсизлиги учун таҳдидга эга бўлган ёлғон ахборотни тарқатиш ҳолатлари, афсуски, тез-тез кузатилмоқда. Шуни назарга олган ҳолда, айна пайтда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида иш олиб бориляпти. Унда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш, уларнинг сўрови юзасидан ўзида мавжуд очиқ ахборотни тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумот тақдим этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Энг муҳими, жавобгарлик чораларининг белгиланиши фуқароларнинг ахборот ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, коммуникация тизимига долзарб ва ишончли ахборотларнинг киритилишига, шунингдек, жамиятнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга кўмак беради.

Бундан ташқари, диффамация (туҳмат ва ҳақорат) билан боғлиқ жиноятлар таркибига енгиллаштириш чоралари киритилмоқда. Унга кўра, шахснинг кадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга қаратилган ёлғон ахборотни ишончли маълумот кўринишида била туриб телекоммуникация, интернет

тармоқларига жойлаштирилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланади.

Амалдаги қонунчиликда бу турдаги ҳаракат учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик бор. Таклиф этиляётган лойиҳада эса шахс шундай ҳаракатлари учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин 1 йил давомида тақдоран содир этсагина, жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилмоқда.

Шахснинг кадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан, ОАВ, телекоммуникация ёки интернет тармоқларига жойлаштириш орқали тарқатиш БҲМнинг 50 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши қайд қилинмоқда.

Шунингдек, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи ахборотни телекоммуникация ва интернет тармоқларига жойлаштирилганлик учун биринчи маротаба маъмурий, бир йил давомида тақдоран содир этилса жиноий жавобгарлик киритилиши кутилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ПАСПОРТ ТАРТИБОТИ – ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

«БУ КУННИ АСЛО
УНУТМАЙМАН»

Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИОФМБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимлари зиммасидаги вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, фуқароларнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келишмоқда.



Жорий йилнинг ўтган даврида 546 нафар фуқарога биометрик паспортлар берилди. Улар орасида эски турдаги паспортни алмаштирган фуқаролар 52 нафарни, исм-шарифини ўзгартирганлар 210 нафарни, Президентимиз фармонида биноан фуқаролик олганлар 42 нафарни, 16 ёшга тўлганлар эса 242 нафарни ташкил этди.

– Биринчи марта фуқаролик паспортини олаётган ёшлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этишлари керак, – дейди Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, катта лейтенант Адҳам Баротов. – Шу сабабли бундай тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказишга аҳамият қаратамиз. Фуқаролик

паспортини топшириш жараёнида бу муҳим ҳужжатдан фойдаланиш, уни кўз қорачиғидай асраш зарурлигини тушунтирамиз. Бу уларда ватанпарварлик туйғусининг шаклланишида ҳам асқатади.

Яқинда 16 ёшга тўлган бир гуруҳ ёшларга фуқаролик паспортлари тантанали тарзда топширилди. Шу куни 1954 йили Тожикистон Республикасида туғилган Муҳаммадҷон Абидовга ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти берилди.

– Бу кунни асло унутмайман, – дейди севинчи ичига сиғмаётган Муҳаммадҷон Абидов. – Президентимиз фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб эътироф этилишим,

албатта, зиммамга улкан масъулият юклайди. Ватаним тинчлиги, фаровонлиги ва равнақиға муносиб ҳисса қўшиш истағи ҳаётим мазмундир.

Юртдошларимиз орасида фуқаролик паспортини эҳтиётсизлик оқибатида ёки бошқа сабабларга кўра йўқотганлари ҳам учраб туради. Йил бошидан буён бундай фуқаролар сони 77 нафарни ташкил этган бўлса, бугунгача улардан 68 нафарининг йўқолган паспортлари тиклаб берилди. Шу билан бирга, 945 кишига хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Postda» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат.

Тошкент шаҳри.

ХАВФСИЗ ҲУДУД

Сурхондарё вилояти ҳудудида ҳамкорликда ўтказилган «Хавфсиз ҳудуд» комплекс махсус тадбири ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка чек қўйишга қаратилди. Ушбу тадбирни ўтказишда ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, натижаларга кўра қарорлар қабул қилиш бўйича вилоят ИИБда тезкор штаб фаолияти йўлга қўйилди.

МАҚСАД –
ЖИНОЯТЧИЛИККА
ЧЕК ҚЎЙИШ

Махсус тадбир даставвал жиноятчилик ошган ҳудудларда, хусусан, Термиз, Шеробод, Денов ва Жарқўрғон туманларида уч кун давомида олиб борилди. Бунда асосан жамоат жойларида спиртли ичимлик ичиш, майда безорилик, паспорт-виза тартиб-қоидаларига риоя этмаслик ва бошқа 6882 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар, назоратсиз ва қаровсиз вояга етмаганлар, фоҳишалик билан шуғулланувчи енгил табиатли аёллар аниқланиб, саралаш гуруҳларига олиб келинган шу тоифаларга мансуб 2703 нафар фуқаро билан профилактик суҳбатлар олиб борилди. Қолаверса, вилоят ИИБ тезкор ходимларининг саъй-ҳаракати билан 23 нафар қидирувдаги шахс ушланган бўлса, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни очиш жараёнида 376 грамм гиёҳванд модда ашёвий далил тариқасида олинди.

Тадбирлар жараёнида йўл-патруль хизмати ходимлари ҳам фаоллик кўрсатиб, 36 941 та қоидабузарликни аниқлашди. Қоидабузар ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Кузатувларга кўра, қоидабузарликлар асосан маст ҳолатда ёки

тегишли ҳужжатларсиз транспорт воситасини бошқариш, светофорнинг қизил чироғига риоя этмаслик каби ҳолатларни ташкил этди.

Бундан ташқари, тадбир давомида профилактик ҳисобга олинган шахслар ва маҳкумлар сони 261 нафарни ташкил этди. Суд томонидан қўйилган тақиқ ва чекловларни бажармагани учун 17 нафар маҳкумнинг ўталмай қолган ахлоқ тузатиш иши жазоси озодликдан чеклаш жазосига алмаштирилди.

Айтиш керакки, ўта оғир, оғир ва мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини изи йўқолмасдан фош этишга қаратилган мақсадли тезкор-қидирув ва профилактик тадбирлар натижалари чуқур таҳлил қилиниб, соҳавий хизмат раҳбарлари, туман мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқлари ҳамда бошқа масъуллар фаолиятига баҳо берилди. Зиммасига юклатилган вазифаларга масъулиятсизлик билан ёндашган, ташкилотчилик, талабчанлик, таҳлилий назорат ишларини бўшаштирган, тезкор-қидирув ва профилактик натижалари қониқарсиз бўлган масъул раҳбарларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилди.

Эслатиб ўтамиз, «Хавфсиз ҳудуд» тадбирлари давом этмоқда.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.
Сурхондарё вилояти.

БУГУНГИ КУН МАВЗУСИ

ЎҚУВЧИ СУМКАСИДАГИ ПАҚИЛДОҚ

Қашқадарё вилоятида пиротехника маҳсулотларининг олиб кирилиши, сақланиши, сотилиши ва ишлатилишининг олдини олишга қаратилган «Пиротехника» комплекс профилактик тадбири ўтказилмоқда. Бу жараёнда маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошхона, солиқ, давлат чегара хизмати ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда иш юритилаётгани тадбир самарадорлигини оширмоқда.

Айни пайтда вилоятга кирувчи ва чиқувчи барча айланма ва асосий йўлларда назорат ишлари кучайтирилган. Поезд вагонлари, чет элдан кириб келаётган йўловчиларнинг юклари, шунингдек, савдо дўконлари, бозор расталари назоратдан ўтказилапти. Шу билан бирга, вилоят ички ишлар органлари ходимлари ресторани, кафе, тўйхона ва бошқа кўнгилочар масканларда пиротехника воситаларидан фойдаланмаслик бўйича профилактик



тарғибот ишларини амалга оширмоқда.

Тадбир бошлангандан буён ҳуқуқбузарлардан 7 та ҳолатда 30 минг дона пиротехника воситаси олиб қўйилди. 2 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан суд томонидан жарима чораси қўлланди, 5 та ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун суд идораларига юборилди.

Масалан, шу йил 26 ноябрь куни Чироқчи туманидаги «Умакай» ИПХ масканида «Нексия-3» русумли, давлат рақами 75 М 388 КА бўлган автомашина тўхтатилди. Термиз шаҳрида яшовчи Э.Ш.га тегишли автомашина юкхонаси кўздан кечирилганида, у ерда Хитойда ишлаб чиқарилган 100 қути пиротехника воситалари борлиги аниқланди.

Худди шу куни Қарши шаҳридаги Ислон Каримов кўчасида хизмат ўтаётган осойишталик посбонларида мактаб сумкасини кўтариб келаётган ўспириннинг бежо ҳаракатлари шубҳа уйғотди. Ўсмир яқин орадаги таянч пунктига таклиф этилиб, мактаб сумкаси кўздан кечирилди. Қарангки, ўқувчининг сумкасида 60 қути пиротехника воситаси чиқди. Ўсмирнинг шахсига аниқлик киритилганида, у Қарши шаҳрида яшовчи 16 ёшли Р.Н. экани маълум бўлди. Ҳолат юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳудудий профилактика инспекторига топширилди.

Содиқ РАҲИМОВ,
«Postda» мухбири.

Қашқадарё вилояти.

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

ҲАММАГА ҲАМ НАСИБ ЭТАВЕРМАЙДИГАН БАХТ

Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармасининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ППХ батальони сафдор ходими Салимжон Усмонов учун бу йилги касб байрами қўшалок тантананага айланиб кетди. Боиси, у ички ишлар органлари ходимлари куни арафасида давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири – «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Бу хушxabарни эшитиб, устози майор Муҳиддин Шодиевга қўнғироқ қилиб, суюнчилади. Ахир шогирдининг муваффақиятида унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор-да.

— Салимжон Усмонов соҳада фаолият бошлаганига салкам 20 йил бўлди, – дейди туман ИИББ 2-минтақавий мувофиқлаштириш маркази жамоат тартибини сақлашни мувофиқлаштириш гуруҳи бош инспектори, майор М. Шодиев. – Бугун у тажрибали ходим сифатида соҳада янги иш бошлаган ёшларга мурабийлик қилмоқда. Соҳага оид тегишли

ҳужжатларни юритишдаги ибратли фаолиятини ҳам ҳамкасбларига намуна қилиб кўрсатса арзийди. Давлат мукофоти олганини эшитганимизда барчамиз бирдек қувонганимиз шундан.

Сафдор Салимжон Усмонов пандемия шароитида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходимлари билан ҳамкорликда фуқароларнинг карантин қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш борасидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этди.

Хизмат давомида жамоат хавфсизлиги, фуқаролар осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг пайини қирқиш, жиноятларнинг олдини олиш, рўй берганларини «иссиқ изида» фош этиш борасида тажриба ва малакасини оширди. Фуқаролар билан ишлаш, уларнинг яхши-ёмон кунларида елкадош бўлишга одатланди.

– Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, содир этилаётган жиноятларни тезкорлик билан фош этишда замонавий техника воситаларининг ўрни муҳим аҳамиятга



«Шухрат» медали соҳиби, сафдор Салимжон УСМОНОВ

Салимжон Усмонов 1982 йил Тошкент вилоятида туғилган. 2001 йил Тошкент автомобиль ва йўллар техникумини тугатиб, ички ишлар органларидаги фаолиятини 2004 йил Тошкент вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХБ 1-отрядида бошлаган. Айна пайтда ППХ батальони ижтимоий, сиёсий, оммавий, маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш отряди сафдор ходими лавозимида фаолият олиб борапти. Салимжон Усмонов масъулиятли, ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашади, катта хизмат тажрибасига эга.



эга, – дейди лавҳамиз қахрамони. – Шу боис ППХ батальони ходимлари махсус жиҳозланган хизмат автомашиналари, алоқа воситалари ҳамда зарур хизмат анжомлари билан таъминланган. Бундай шароитларни яратиб бераётган давлатимиздан, Президентимиздан ва вазирлик раҳбариятидан беҳад миннатдоримиз.

Давлатимизнинг юксак ордени ва медаллари билан тақдирланиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди-ган катта бир бахтдир. Бундай мукофотга сазовор бўлиш учун эсатинимсиз меҳнат, ҳалоллик ва фидойилик талаб этилади. Ана шундай хислатларга эга, фидойилик билан фаолият олиб бораётган Салимжон Усмонов ўзига билдирилган юксак ишонч ва рағбатга жавобан янада ғайрат-шижоат билан ишлашни дилига туккан.

Адолат ФАЙЗИЕВА,
«Postda» мухбири.
Тошкент вилояти.

ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ КОРРУПЦИИ

«ЭТО КАСАЕТСЯ КАЖДОГО ИЗ НАС»

1. В чем суть понятия «коррупция»?
2. Ваше отношение к коррупции?
3. Есть ли у Вас предложения по искоренению коррупции?

На эти вопросы отвечает старший следователь СО ОВД № 2 УКД ОВД Юнусабадского района г. Ташкента старший лейтенант Б. Пулатов.



1. Это одно из древнейших явлений, имеющих место в системе социальных отношений, которое мешает нормальному развитию общества. В современном мире коррупция стала насущной проблемой практически для всех государств, так как это очевидное зло. Среди глобальных проблем современности, от решения которых зависит дальнейшее развитие мирового сообщества, она признана одной из самых острых и требующих безотлагательного решения.

2. Категорически негативное. Я считаю, что коррупция – это незаконное использование должностного положения вопреки интересам общества и государства. Она отрицательно сказывается на развитии нашего государства, тормозит

проведение реформ, останавливает прогресс. С ней нужно бороться на всех уровнях, начиная с самих людей, ведь если отсутствует взяточдатель, то не будет и коррупционных проявлений, и заканчивая работниками ведомств и организаций. И борьба эта должна быть непримиримой.

3. По моему мнению, необходимо:

– повышать правосознание граждан. Население должно активно проявлять нетерпимость к любым проявлениям мздоимства. Ни один факт дачи и получения взятки не должен

замалчиваться. Активную роль в этом должны играть СМИ;

– применить практику декларирования доходов и ужесточить меры наказания за дачу и получение взятки;

– усилить контроль со стороны руководства над деятельностью каждого должностного лица;

– регулярно проводить правовую пропаганду среди населения, информировать о том, что такое коррупция, напоминать о неотвратимости наказания за дачу взятки, объяснять, что это является уголовно наказуемым деянием.

В ХОДЕ ОПЕРАТИВНОГО МЕРОПРИЯТИЯ

СКОЛЬКО СТОИТ ДОЛЖНОСТЬ МЕДСЕСТРЫ?

В правоохранительные органы с заявлением обратился гражданин С. И. Он просил принять меры в отношении сотрудников Самаркандского филиала Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи.

По данным пресс-службы, двое мужчин требовали 800 долларов США за помощь в трудоустройстве на должность медсестры в РНЦЭМП знакомой гражданина С. И.

В ходе оперативного мероприятия взяточники были задержаны с поличным.

Ведется предварительное расследование.

Пресс-служба УВД Самаркандской области.



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИДАН

БАЙРОҒИ БОР УЙ

Эрталаб 8:00. Автоуловини «Қахрамон» маҳалла фуқаролар йиғини биноси қарши-сига жойлаштирган профилактика инспектори, подполковник Анвар Гулбоев фуқаролар йиғини раиси Эркин Имомов, унинг ўринбосарлари Холтожи Эргашева ва Сафарбой Игилаковларнинг олдига шошди. Улар билан кўришиб, келгуси ишларни режалаштириб олишди.

Қисқа кенгашдан сўнг профилактика инспектори хизмат ҳудудини айланиб, кўздан кечиришга киришди. Бу жараёнда кўча оқсоқоллари билан суҳбатлашди. Маҳалла аҳли тинчми, ҳеч кимда муаммо йўқми, хуллас, ҳаммаси билан қизиқди, сўраб-суриштирди.

Ййлаб кўрса, ички ишлар органлари тизимида фаолият кўрсатаётганига 23 йил бўлибди. 1973 йили Бухоро вилоятининг Конимех туманида туғилган Анварнинг болалиги отасининг хизмат фаолияти туфайли юртимизнинг турли ҳудудларида кечди. Отанаси Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Сартюзи қишлоғидан бўлган Анвар Тошкент автомобиль йўллари институти тамамлади. Сўнгра, Тошкент вилояти ИИБ ўқув марказида сабоқ олди.

Соҳадаги фаолиятини Дўстлик тумани ИИБ профилактика хизмати бўлинмасининг вояга етмаганлар билан ишлаш нazorати инспектори лавозимида бошлади. Айни вақтда подполковник Анвар Гулбоев тумандаги 78-сонли ички ишлар органи таянч пункти про-

филактика катта инспектори.

Подполковник Анвар Гулбоев ҳудудидаги ёлғиз яшовчи қарияларнинг ҳолидан хабар олиб туради, умуман олганда, пандемия даврида қийналиб қолган 12 нафар ногирон фуқарога, шунингдек, 96 оилага мунтазам равишда ижтимоий ёрдам кўрсатилди. «Темир дафтар»га киритилган оилалар аъзоларини ишга жойлаштириш чоралари кўриляётир. Жумладан, тадбиркор Давлатбек Нурқобилов томонидан шу йил фаолияти йўлга қўйилган гишт ишлаб чиқариш корхонасига 10 киши, ҳудуддаги мактабнинг қўшимча биносини қураётган масъулияти чекланган жамиятга 21 киши ишга жойлаштирилди.

Маҳалладаги 12 нафар профилактик ҳисобда турган, 2 нафар оилавий жанжал-

каш, 6 нафар ичкиликка ружу қўйган, 7 нафар маъмурий ҳуқуқбузар, 4 нафар маъмурий назорат ва яна 4 нафар пробация хизмати назорати остида бўлган фуқаролар билан режа асосида учрашиб, тушунтириш ишларини олиб боради. Бу жараён профилактика инспекторидан бор маҳоратини ишга солишни тақозо этади. Чунки ҳар бир инсоннинг ўзига яраша феъли бор. Кимдир илиқ гапнинг гадоси, кимдир жиддий ёндашувни маъқул кўради. Айримларга ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари ҳақида атрофлича маълумот беришга тўғри келади. Бу ишларни эҳтиёткорлик билан, суҳбатдошнинг дилини оғритмасдан амалга оширган дуруст.

Профилактика инспектори маҳалладаги муҳитдан, рўй

бераётган воқеалардан хабардор бўлиши керак. Бусиз ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятларни фoш этишнинг иложи йўқ. Анвар Гулбоев самимий, хушмуомала ва киришувчанлиги туфайли кўпчилик билан тез тил топишади, одамларни эшитишдан эринмайди. Ҳудуддаги қарийб 1200 та тураржойда яшовчи 6 минг нафардан ошиқ фуқарони Анвар Гулбоев яхши таниганидек, улар ҳам профилактика инспекторини яхши билади. Уни ҳурмат қилишлари боиси шу.

Анвар Гулбоев одамларга ёрдами тегаётганидан, элнинг осойишталигини асраётганидан фахрланади. Шунданми, масъулиятнинг юки уни заррача эзмайди. Қолаверса, хизмати муносиб тақдирланмоқда. Чунон-

чи, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан «Аъло хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланди. Худди шундай, кўп йиллик хизмати, мардлиги ва жасорати, жиноятчиликни олдини олишга қўшган ҳиссаси учун 2015 йилда «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Бу эътирофлар подполковник Анвар Гулбоевни бурчинни сидқидилдан бажаришга ундайди. Табиийки, чин юракдан қилинган меҳнат ўз самарасини бермасдан қолмаяпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида у хизмат кўрсатаётган маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир бўлмади.

Қуёш уфққа бош қўйганда подполковник Анвар Гулбоев хизмат уйи томон йўл олди. Сўнгги йилларда профилактика инспекторларининг хизмат уйлари ҳамда имтиёзли кредит асосида автоулов билан таъминлангани яхши бўлди-да. Хизматга ҳам, дам олишга ҳам, болалар тарбияси билан шуғулланишга ҳам улгураяпти. Чақирув бўлиб қолгудек бўлса, бир зумда етиб боради.

У тепасида байроқ ҳилпираб турган уйи томон яқинлашар экан, бугун ҳам одамларга ёрдами текканидан, эл осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшаётганидан ғурурланди...

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.
Жиззах вилояти.

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

ОТА УЧУН ЭНГ КАТТА МУКОФОТ

Ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Иброҳим Холиқов узоқ йиллик умрини эл-юрт осойишталигини таъминлашга бахшида этиб, бугунги кунда фарзандлари ва шогирдлари эҳтиромида кексалик гаштини суряпти.

И. Холиқовнинг отаси Исроилжон Холиқов Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси эди. Суронли уруш йилларида жангоҳлардан омон қайтгач, заводда оддий ишчи бўлиб меҳнат қилди, ҳалолликда рўзғор тебратиб, яхши фарзандларни тарбиялади. Ана шундай оилада камолга етган Иброҳим илм олишга астойдил бел боғлади. Ўрта мактабни тамомлагач, Фарғона педагогика институтида таҳсил олди. Кейинчалик Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўқиди.

Ички ишлар органларидаги фаолиятини 1981 йилда бошлаган И. Холиқов дастлаб ёнғин хавфсизлиги хизматида, кейинчалик кўриқлаш бошқармасида, Фарғона вилояти ИИБ Кадрлар бошқармасида хизмат қилди. Қайси соҳада ишлагани, асосан кадрлар масаласи билан шуғулланди. Ички ишлар органлари сафига энг билимдон, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук кадрларни тўплашга муносиб ҳисса қўшди.



Генерал-майор Комилжон Хидиралиев, полковниклар Абдумутал Қундузов, Аминжон Тошхўжаев, Дадақўзи Рўзиев каби устозлар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, шогирд сифатида улардан жуда кўп яхши фазилатларни ўрганди. Бугун унинг ўзи ҳам устозлар қаторида. Юзлаб шогирдлари ички ишлар органларининг турли соҳавий хизматларида эл-юрт осойишталигига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Жумладан, подполковниклар Шавкатжон Низомов, Иброҳимжон Мирзаев, Муқимжон Абдуллаев, Одилжон Усмонов, Ҳаётжон Солиев каби шогирдлари тизимда турли раҳбарлик лавозимларида хиз-

мат қилиб, эл-юрт ҳурматида сазовор бўлишди.

Иброҳим Холиқовнинг турмуш ўртоғи Муҳаббатхон педагогик касбида ишлаш билан бирга, қахрамонимизга ҳаёт йўлларида садоқатли умр йўлдош, намунали оила бекаси бўлди. Турмуш ўртоғи хизмат топшириқлари билан тунни тонга улаб юрган пайтларда фарзандлар тарбиясини ўз зиммасига олди. Шу боис Иброҳим Холиқов бугун ўзини устоз сифатида ҳам, ота сифатида ҳам энг бахтли инсонлардан бири, дея ҳисоблайди. Турмуш ўртоғи билан ҳамжиҳатликда уч нафар фарзандни муносиб тарбиялашди. Ўғли подполковник Умиджон

Холиқов айна пайтда ота касбини муносиб давом эттирмоқда. У Фарғона вилояти ИИБ Эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатади.

Яқунига етиб бораётган 2020 йил Холиқовлар оиласи учун эсда қолашли йил бўлмоқда. Мустақиллигимизнинг 29 йиллик байрами арафасида подполковник Умиджон Холиқов Юртбошимиз фармонида кўра, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

– Фарзандим, издошимнинг катта ютуқларга эришгани ота сифатида мени ғурурлантиради, – дейди фахрий биз билан суҳбатда. – Давлат мукофотида сазовор бўлганини эшитган куним кўзларимда қувонч ёши қалқиди. Ота учун бундан ортиқ мукофот, бундан зиёда бахт борми?

Лавҳамиз қахрамони бугун 9 нафар неварга, 1 нафар чеваранинг севимли бобоси. Набираларини доим илм олишга, китоб ўқишга даъват этади. Ўзи ҳам бўш вақтда яхши китобларни топиб мутолаа қилишга одатланган. Шунданми, у билан суҳбатлашсангиз, маънавий озиқа оласиз, бир дунё ҳикмат топгандай бўласиз.

Араббой УСМОНОВ,
истеъфодаги подполковник,
Абдувосит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.

Фарғона вилояти.
Суратда: истеъфодаги подполковник Иброҳим Холиқов ўғли билан.

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ – ЭНГ ЯХШИ ПРОФИЛАКТИКА



Халқ билан очик мулоқот қилиш, аҳолининг ҳаётинг муаммоларини ҳал этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Зеро, бу жараён ҳар бир раҳбарга алоҳида масъулият юклайди, халқ дарди билан яшаш, муаммоларига ечим излашга ундайди.

Айни пайтда Боёвут тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи раҳбарлигидаги 3-секторда ҳам ишлар жадал кетмоқда. Ўнта маҳалладаги ўттиз уч минг аҳолининг дарду ташвиши, иссиқ-совуғига жавобгарлик масъулиятини тасаввур қилиш қийин эмас.

– Ишни аҳоли муаммоларини, уларни қийнаётган масалаларни ўрганишдан бошладик, – дейди сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи, подполковник Хусан Бекмуродов. – Очиғи, бир муаммони бартараф қилиш яхшигина саъй-ҳаракат талаб этишига яна бир бор амин бўлдик. Лекин, асосийси, ҳаракат қилинса, ҳар қандай муаммонинг ечимини топса бўлар экан.

Сектор аъзолари маҳаллалардаги хонадонларга бирма-бир кириб чиққач, муаммоларни бартараф этишга қаратилган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Олти юз элликта хонадон «Темир дафтар»га киритилди. Дастур асосида ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, дастлабки ишлар бошлаб юборилди. Энг биринчи қадам аҳолини тадбиркорликка йўналтириш бўлди. Шу мақсадда

ҳомийлар кўмагида 107 та хонадонга 670 бош майда шохли чорва моллари берилди. «Ҳар бир ёшга – бир гектар» лойиҳаси асосида эса 20 нафар йигит-қизга сабзавот, полиз экинларини экиб, даромадга эга бўлиши учун ер майдонлари ажратилди.

Йигирмага яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож аёл оилавий тадбиркорликни бошлаши учун тикув машиналари билан таъминланди. Соҳил маҳалласида яшовчи Мавлуда Маматова ҳам ана шундай эътибордан баҳраманд бўлганлардан биридир.

– Сектор раҳбарлари нафақат тикув машинаси, балки буюртмачи ҳам топиб беришди, – дейди у. – Буюртмачилар хомашёни ўзлари келтириб беришади, маҳсулотни ҳам ўзлари олиб кетишади.

Коронавирус пандемияси сектор ҳудудида истиқомат қиладиган аҳолини ҳам жиддий синовдан ўтказди. Кўплаб оилаларнинг даромадига салбий таъсир кўрсатди. Ана шундай шароитда аҳолига сектор мутасаддилари томонидан ёрдам қўли чўзилди.



Ҳомийлар кўмагида икки юзга яқин хонадонга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

– Қисқа вақт ичида тадбиркорлар, ҳомийлар ёрдами эвазига шакллантирилган 650 миллион сўмдан ортиқ маблағ аҳолининг оғирини енгил қилди, – дейди сектор котиби, туман ИИБ ташкилий бўлинмаси бошлиғи, капитан Шерқўзи Тошматов. – Бугунги кунда бу ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлаганига гувоҳ бўляпмиз.

Маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида сайёр қабуллар ўтказилмоқда. Сектор раҳбари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 20 марта ана шундай сайёр қабуллар

ташқил этилиб, 103 та мурожаат кўриб чиқилди. Муҳими, уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 20 июндаги «2020–2021 йилларда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тумандаги кўплаб муаммоларни бартараф этишнинг муҳим омили бўлди. Қарорга мувофиқ, сектор ҳудудидаги 1-касб-хунар мактабининг кўпқаватли ётоқхонаси таъмирланиб, уй-жойга муҳтож оилаларга мослаб, хонадонларга айлантирила бошланди. Ана шундай 80 та хонадонни таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Туманда хомашёдан тайёр маҳсулот яратишгача бўлган босқични ўз ичига олган «Боёвут техно кластер» фабрикаси фаолиятининг йўлга қўйилиши 200 нафарга яқин аёлларни иш билан таъминлаш имконини берди. 20 миллион АҚШ доллари эвазига барпо этилган корхонада келгусида яна 600 нафар ёш иш ўрнига эга бўлади. Сектор ҳудудидаги 2,5 миллиард сўм инвестиция жалб қилинган ҳолда қад ростлаган «Стелла мода» тикувчилик фабрикаси эса 350 нафар ёшни иш билан таъминлади. Энг муҳими, ҳар иккала корхона маҳсулотларига ҳозирданоқ Чехия, Италия, Россия каби давлатлардан буюртмалар бор.

Сектор ҳудудида олиб борилаётган ижобий ишлар жиноятчилик даражасининг камайишига ижобий таъсир этмай қолмади. Жорий йилнинг ўтган даврида босқинчилик, талончилик, безорилик жиноятлари содир этилмади. Худди шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида ҳам жиноятчилик қайд этилмади. Бу энг яхши профилактика аҳолининг бандлигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш деган тамойил нақадар тўғрилигини яна бир бор исботлайди.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ.

Сирдарё вилояти.



БИЛАСИЗМИ?



Светофорнинг яшил, сариқ ва қизил рангларида эканлигининг илмий сабаби бор: бу ранглари энг узун тўлқин спектрларига эга ҳисобланиб, узоқдан кўрингани учун шу ранглари танланган. Уни инглиз олими Жон Пик Найт 1868 йилда ихтиро қилган.



Илк светофорнинг очилиш маросими. Кливленд, АҚШ, 1914 йил.

Ўша пайтда светофор қизил ва сариқ рангдан иборат эди. Ранглари алмашган вақт ўзидан овоз чиқарган ва чорраҳа яқинида ойнадан ясалган кичик бир қурилма ичида ўтирган полиция ходими томонидан қўлда бошқарилган.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

КОРРУПЦИЯСИЗ ЖАМИЯТ ҚУРИШДА
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Коррупция давлат ва жамият ривожига, халқнинг ижтимоий-сиёсий адолатга нисбатан бўлган ишончига жиддий путур
етказадиган, иқтисодий ўсишни пасайтирадиган ва давлат пойдеворини барбод қиладиган иллатдир

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, барча соҳаларда коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бу каби салбий иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қатори, ички ишлар органлари ҳам ўз ўрнига эга, албатта. Чунинчи, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлар қаторида Ички ишлар вазирлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Қонуннинг 11-моддасида Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашишда бир қатор ваколатларга эга эканлиги белгилаб берилган.

Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам шахсий таркиб ўртасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ички ишлар вазирининг тегишли буйруғи билан ҳар йили декабрь ойи «Ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш ойлиги» деб эълон қилинди ва мазкур ойлик доирасида бир қатор ташкилий, амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланган «Ички ишлар органлари тизимида 2019–2020 йилларда

коррупцияга қарши курашиш, шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури» бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, коррупция ҳолатларини аниқлашга ёрдам кўрсатувчи «халис фуқаро» тизимини жорий этиш, бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини ошириш



ишларини янада жадаллаштириш бўйича ҳам бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида Ички ишлар вазирлиги ва унинг қўйи тизимлари суриштирув ва тергов органлари томонидан коррупцияга оид жиноят содир этган 63 нафар мансабдор шахсга нисбатан 52 та жиноят иши қўзғатилган, шундан 27 та

жиноят иши материаллари кўриб чиқиш учун судларга юборилиб, жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланди.

Суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 6 нафари мол-мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, 2 нафари мансабга совуққонлик билан қараш сохтакорлиги, 26 нафари фирибгарлик ва бошқа турдаги жиноятларни содир этган.

Ушбу содир этилган коррупцион

чан ва самарали усулларида бири эканлигини амалиётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида 10 дан ортиқ тарғибот материаллари Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳияти ҳақида слайд, «Коррупция – тараққиёт кушандаси», «Нафсинга қул бўлма!», «Жиноятга жазо муқаррар» номли плакатлар, шунингдек, «Коррупция – жирканч иллат, унинг қулига айланма», «Биз ички ишлар органлари коррупцияга қаршимиз!» номли буклетлар тайёрланиб, ҳудудий ва таркибий тузилмалар ходимларига тарқатилди.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўз ваколатларини амалга ошириш билан бирга, тизимда ҳам бу борада аёвсиз кураш олиб бормоқда.

Сўзимизнинг тасдиғи сифатида тергов ва жиноят қидирув ходимлари учун алоҳида камералаштирилган хоналар ажратилганлиги, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ходимлари тўлиқ бодикамералар билан таъминланганлиги, тизимда «Ишонч телефон»лари ўрнатилганлигини мисол сифатида келтириш мумкин.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак. Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатлами, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юсак марраларга эриша олмаймиз.

Икром НИЯЗМЕТОВ,
ИИБ Ташкилий департамент
Юридик таъминлаш бошқармаси
бўлим бошлиғи, капитан.

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

БИР ХАТО ИККИНЧИСИНИ ЕТАКЛАБ КЕЛДИ

Инсон ҳаётда таваккал ҳам қилиб туриши керак, дейишади баъзида. Бу бизнес ёки бирор бир хайрли мақсад кўзланган иш билан боғлиқ бўлса-ку, тушуниш мумкин. Аммо таваккалчилик мавжуд қоидаларга зид бўлса-чи?..

Қумқўрғон туманида яшовчи Фарҳод (исми ўзгартирилди) охири вой бўлишини била туриб, таваккалга қўл урди. У танишидан «Нексия» русумли автомашинасини сўраб, Ангор туманига йўл олди. Уйдагиларининг «Машина бошқани номиди бўлса, бунинг устига, ҳужжатинг бўлмаса, таксида бориб келақол» деган танбеҳига парво қилмади. Таваккалига йўлга чиқди.

Йўлда уйдагилари айтгандек бўлмади. «Дарров ваҳима қилишади» – хаёлидан ўтказди у. Ангордаги юмушларини битиргач эса, Термиз шаҳрига бориши керак бўлиб қолди. «Э, шунча юрдим, ҳеч ким тўхтатмади-ку, қолаверса, ҳозир йўлини топсанг, ҳар қандай вазиятдан чиқиш мумкин», дея ўйлади-ю, Термизга қараб жўнади.

Фарҳод кечки пайт 20:30ларда Термиз ИПХ масканига етиб келди. Бу ерда хизмат олиб бораётган Сурхондарё вилояти ИИБ ЙХХБ ЙПХО 1-сафарбарлик гуруҳи ИПХ инспектори, сафдор Рустам Турсуналиев у бошқариб келаётган автомашинани назорат тартибда тўхтатди. Ҳайдовчидан ҳужжатларини кўрсатишини сўради. Буни

қутмаган Фарҳод бироз каловланиб қолди-да, ёнида автомашинани бошқаришга оид бирор бир ҳужжати йўқлигини айтди. Ҳолат юзасидан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, автомашина жарима майдончасига жойлаштирилди.

Фарҳод ИПХ инспектори, сафдор Рустам Турсуналиевдан ишни «ёпди-ёпди» қилишини, автомашинани жарима майдонидан чиқариб беришини сўраб, унга 1 миллион сўм пул таклиф қилди. ИПХ инспектори ҳайдовчига унинг ушбу ҳаракати жиноят эканлигини тушунтиришга уринди. Аммо Фарҳоднинг қулоғига бу гаплар инармиди?

Хуллас, Фарҳод ва ИПХ инспекторининг суҳбати унинг боди камерасига муҳрланди.

Сафдор Р.Турсуналиев вилоят ИИБ раҳбариятига бу ҳақда билдирги билан муурожаат қилди. Шунга асосан, ИИБ УХБ Сурхондарё вилояти бўйича бўлими ва Термиз шаҳар прокуратураси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Фарҳод сафдор Р.Турсуналиевга ИПХ маскани биносида 455000 сўм пулни пора тариқасида бераётган вақтда ушланди.

Бир хато иккинчисини етаклаб келди. Фарҳод нотўғри фикрлагани учун ва мавжуд қонун-қоидаларни менсимагани учун ҳам шу кўйга тушди. Ва албатта, қилмишига яраша қонун олдида жавоб берди.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.

Сурхондарё вилояти.



ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

Органы внутренних дел начинаются с кадров

Управление кадров – одно из ключевых в системе органов внутренних дел. Сотрудники подразделения выполняют большую и ответственную работу по отбору, подготовке, воспитанию и повышению профессионального уровня личного состава. Учет кадров, присвоение званий, награждение и поощрение, выдвижение на вышестоящие должности – далеко не весь перечень обязанностей сотрудников управления. Они успешно решают вопросы социальной защиты стражей порядка, членов их семей, а также семей погибших сотрудников. Кадровики осуществляют взаимодействие с ветеранами, ветеранскими организациями органов внутренних дел области, находят пути решения возникающих проблем.

Вопросы кадрового сопровождения оперативно-служебной деятельности всегда являлись приоритетными – это отбор, комплектование должностей, профессиональная подготовка и морально-психологическое обеспечение оперативно-служебной деятельности. Цель – повышение эффективности службы, ведь грамотное кадровое сопровождение позволяет сделать из сотрудников настоящих специалистов, создавать профессионально грамотные коллективы. Отбор, умелая расстановка, качественная подготовка и воспитание специалистов способствуют повышению авторитета органов внутренних дел и доверия граждан в целом.

Сотрудники Управления кадров УВД Андижанской области особое внимание уделяют дисциплине. С начала текущего года в ходе проверок было выявлено 803 нарушения среди сотрудников. Из них 433 – за нарушение, связанное с ношением форменной одежды, 79 – отсутствие служебного удостоверения во время исполнения обязанностей, 79 – управление транспортом без соответствующих документов, 15 – нарушение ПДД, 12 – неподобающее поведение во время исполнения служебного долга.

Задача управления кадров – не только подготовка квалифицированных специалистов, но и забота о них самих как в период службы, так и после выхода на заслуженный отдых. 14 сотрудникам подразделений УВД



Андижанской области, оказавшимся в затруднительном положении, была оказана материальная помощь.

В целях повышения боевой и физической подготовки личного состава среди сотрудников служб и подразделений проведены состязания по плаванию, настольному теннису,



стрельбе из табельного оружия, многоборью, армрестлингу, мини-футболу, рукопашному бою, велогонка.

Широкое внедрение информационных технологий привело к созданию электронных библиотек. Сегодня большинство сотрудников имеют возможность пользоваться электронной библиотекой.

Личный состав управления кадров занимается изучением социально-бытового и правового положения сотрудников, их социальной адаптацией, организует профессиональную переподготовку блюстителей порядка, оказывает социально-правовую и материальную

помощь ветеранам ОВД, членам семей погибших сотрудников и инвалидам. Проводятся мероприятия, направленные на укрепление служебной дисциплины, предупреждение нарушений законодательства.

Особое внимание уделяется патриотическому и нравственному воспитанию личного состава. Большое место в этой работе отведено Музею истории УВД Андижанской области, созданному 10 ноября 1982 года и в настоящее время реконструированному.

Управление кадров трудится в тесном контакте с ветеранскими организациями, работа совершенствуется. Представители областного совета и первичных ячеек на местах считают своим долгом участвовать в работе по предупреждению и раскрытию преступлений, пропаганде соблюдения законности и правопорядка среди населения, шефствуют над «трудными» подростками.

Кадровые подразделения работают с самым сложным объектом – саморазвивающимся человеком. Органы внутренних дел – это, прежде всего, люди, от которых зависят порядок и стабильность в обществе. Эффективность системы на 99% зависит от сотрудников и лишь на 1% – от вооружения, специальных средств, криминалистической, оперативной и иной техники.

Абдувохид ИМЯМИНОВ,
полковник.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

Роль сотрудников ОВД в построении общества без коррупции

В последнее время в нашей стране все больше внимания уделяется вопросам реализации социально ориентированной государственной политики, главным приоритетом которой является искоренение коррупции.

Актуальность усиления работы в данном направлении неоднократно подчеркивается Главой нашего государства Шавкатом Миромоновичем Мирзиёевым, в том числе в рамках Послания Олий Мажлису и видеоселекторных совещаний, проводимых с ответственными должностными лицами.

Так, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 29 июня 2020 г. № УП-6013 в Узбекистане создано Агентство по противодействию коррупции, главными направлениями деятельности которого стали заблаговременное устранение системных причин и условий коррупционных правонарушений, формирование в обществе нетерпимого отношения ко всем проявлениям коррупции, внедрение в государственную службу «вакцины добропорядочности».

Также в целях активного вовлечения в данную работу всех государственных органов, институтов гражданского общества и иных представителей негосударственного сектора образован Национальный совет по противодействию коррупции.

В рамках проводимой в стране целенаправленной и системной работы по искоренению коррупции немаловажное значение приобретает деятельность Министерства внутренних дел в данной сфере.

Так, в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О противодействии коррупции» органы внутренних дел являются государственным органом, уполномоченным осуществлять борьбу с коррупцией.

На МВД возлагаются такие задачи, как участие в разработке и реализации государственных и иных программ в области противодействия коррупции, осуществление оперативно-розыскной деятельности и следствия по преступлениям, связанным с коррупцией, а также участие в правовой пропаганде среди населения, направленной на повышение правового сознания, уровня правовой культуры в обществе и укрепление законности.

В данном направлении только за 10 месяцев текущего года расследовано 673 коррупционных преступления.

Пресечена преступная деятельность 126 групп, 841 лицо привлечено к уголовной ответственности.

Среди данных преступлений 85 связаны со взятничеством, 51 – вымогательством, 313 – мошенничеством.



Основными сферами, подвергшимися коррупционным преступлениям, стали социальная сфера, в которой выявлено 96 преступлений, органы исполнительной власти на местах – 47, средний и малый бизнес – 55 преступлений.

Примером реализуемых нашими сотрудниками задач стало вскрытие преступной деятельности ряда агентств занятости, которые обманом путем завладели порядка 180 млн сумов и 12 млн долларов США от 33 тыс. граждан.

Кроме того, особое внимание уделяется рассмотрению обращений граждан по вопросам защиты их прав и законных интересов, поднимаемых в обращениях.

Так, за 10 месяцев сего года обеспечено принятие законных решений более чем по 1 800 обращениям, по 988 обращениям даны квалифицированные разъяснения.

В рамках реализуемых мероприятий по борьбе с коррупцией приоритетное внимание обращено на минимизацию факторов, причин и условий коррупции.

В этих целях в деятельность органов внутренних дел активно внедряются современные информационно-коммуникационные средства, расширяется спектр предоставляемой населению информации о деятельности сотрудников.

Примером этой работы может стать оказание органами внутренних дел услуг в сфере паспортизации, выдачи водительских удостоверений и иных

запросов более чем 320 тыс. граждан, посредством Центров оказания государственных услуг населению.

Сегодня деятельность всех сотрудников патрульно-постовой и дорожно-патрульной служб осуществляется посредством фиксации общения с гражданами на «бодикамеры».



Активно внедряются средства и системы фото- и видеофиксации следственных действий, условий отбывания наказаний, бесед с гражданами, нарушившими общественный порядок, а также выявления административных правонарушений.

На сегодняшний день подобные средства внедрены в деятельность каждого органа внутренних дел.

В целях обеспечения открытости системы и своевременного освещения хода обеспечения общественной безопасности организованы 21 веб-сайт, 47 аккаунтов в популярных социальных сетях.

Число подписчиков на предоставляемую информацию постоянно растет и на сегодняшний день составляет свыше 1 млн человек.

Начиная с 2019 года, декабрь установлен месяцем «Противодействия

коррупции в органах внутренних дел», в рамках которого активизируется работа по правовой пропаганде, проведению профилактических мероприятий, направленных на недопущение коррупции.

Еще одним актуальным направлением является социальная поддержка и предоставление гарантий добросовестной службы в органах внутренних дел как основные условия недопущения коррупции.

Так, свыше 2 тыс. сотрудников обеспечены жильем на основе долгосрочных ипотечных кредитов, 75 тыс. – оказана материальная помощь.

За самоотверженность в выполнении служебных задач 123 сотрудника удостоены государственных наград, свыше 77 тыс. – поощрены министром внутренних дел.

Необходимо отметить, что сотрудники инициируют обеспечение принципа «неотвратимости наказания» в отношении недобросовестных граждан. Так,

с 2018 года 246 сотрудников оказали содействие в привлечении к ответственности граждан, пытавшихся дачей взятки «сбить» их с пути обеспечения законности и правопорядка.

Обобщая результаты проводимой работы, необходимо отметить, что Узбекистан ежегодно улучшает позиции в рейтинге восприятия коррупции. В частности, согласно публикации международного агентства Transparency International за 2019 год, Узбекистан улучшил свои позиции на 5 пунктов среди 180 стран.

Это еще раз подчеркивает результативность проводимой в нашей стране работы по созданию необходимых условий для обеспечения верховенства закона и защиты прав и свобод граждан.

Энвер БАРИЕВ,
подполковник.

МУАММО ВА МУЛОҲАЗА

ПИЁДА – УМРИНГ БЎЛСИН ЗИЁДА


ҚУЛОҚЧИН ТАҚҚАН ҚИЗ

Кўпчилик ишдан, ўқишдан уйга ошиқадиган маҳал бўлгани ёки автотранспорт воситалари кўплиги учунми, ҳаракат тигиз. Чорраҳадаги светофорнинг яшил чироғи ёнди. Пиёдалар, халқ тили билан айтиладиган «зебра»дан, яъни пиёдалар ўтиш йўлагидан ўтиб бўлгач, навбат сариқ, сўнгра қизил чироққа келди. Шу тобда қулоқчин таққан қиз йўлни кесиб ўта бошлади. Қора рангли «Кобальт» автомашинаси филдиракларнинг чийиллаган овози атрофдагиларнинг эътиборини тортиди. Бу пайтда машина пиёдани уриб, бир неча метр масофага улоқтириб юборганди...

Пиёда иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг

нима: пиёда маданиятининг етишмаслиги ёки қоидаларни назар-писанд қилмасликми?..

Пойтахтимизнинг Шароф Рашидов ва Афросиёб кўчалари кесишган чорраҳада хизмат олиб бораётган ИПХ инспекторининг хуштаги чалинди. У кўчанинг қоқ ўртасида, йўлни кесиб ўтаётган қиз томонга қараб юрди. Ерости йўлдан ўтмасдан, нега чорраҳани кесиб ўтаётгани юзасидан берилган саволга оддийгина жавоб олинди: «Уэр, шошаётган эдим». Шу пайт яна бир қоидабузар нафақат ўзи, балки болалар аравачасидаги гўдагининг ҳам ҳаётини хавф остига қўйиб, йўлни кесиб ўтишга уринди. ИПХ инспектори унга ҳам танбех берди.



барчасида бўлмаса-да, аксариятида у ўзининг айбсизлигини исботлашга ҳаракат қилади ва деярли барча ҳолатларда жабрланувчига айланади. Ҳали тарихда бирор пиёда автомашинани «уриб» кетганини кўрмадик. Шу боисми, йўл-транспорт ҳодисаси юз берса, доим дарров ҳайдовчини айблай бошлаймиз. «Шўрлик пиёда жабр кўрибди-да», дея ачинамиз. Бироқ ҳаракатланиш жараёнида у ҳам муайян қоидаларга амал қилиши лозимлигини унутиб қўямиз.

...Дам олиш куни «Чилонзор» буюм бозори олдидаги йўлда хунук манзарага кўзим тушди. Икки аёл шундоққина ёнида ерости йўли бўлишига қарамай, баландлиги бир ярим метр келадиган панжарага тирмашиб, йўлнинг у тарафига ўтмоқчи бўляпти. Қизиғи, бири иккинчисига зил-замбилдай сумкасини узатмоқда. Шу ерда хизмат олиб бораётган Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ИПХБ 4-батальон гуруҳ командири, капитан Рустам Исмоилов дарҳол уларнинг ёнига бориб, йўл ҳаракати қоидаларини бузганликларини, белгиланган пиёдалар ўтиш жойидан ўтишлари лозимлигини тушунтирди.

Кейинги йилларда юртимизда, айниқса, пойтахтимизда пиёдалар учун замонвий ерости ва ерусти ўтиш жойлари, махсус йўлаклар барпо қилинмоқда. Лекин ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, йўлнинг дуч келган жойидан кесиб ўтаётган пиёдалар кўпчиликни ташкил этмоқда. Хўш, бунга сабаб

– Айрим пиёдалар қоидани бузади-да, тезда қочиб кетади, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ИПХБ Махсус дивизиони ИПХ инспектори, кичик сержант Хусниддин Ўрозов. – Шунинг учун ҳайдовчилардан кўра, пиёдалар билан ишлаш қийинроқ.

ҚОИДАЛАРНИ ҲАММА БИЛИШИ ЗАРУР

Пиёда ҳам йўл ҳаракати иштирокчиларидан бири саналади. Шу туфайли йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари каби, унинг зиммасига ҳам катта масъулият юкланган. Жумладан, қоидаларга кўра, пиёда тротуардан ёки пиёдалар йўлкасидан, улар бўлмаганда, йўл ёқасидан юриши керак. Қатнов қисмининг четиде ҳаракатланаётган пиёда эса транспорт воситаларининг ҳаракатига қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиши зарур. Шунингдек, йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш йўлагидан, ерости ва ерусти ўтиш жойидан, улар бўлмаганда эса, чорраҳаларда тротуар чизиқлари ёки йўл ёқаси бўйлаб кесиб ўтиши шарт. Пиёдага кўринадиган ораликда ўтиш жойи ёки чорраҳа бўлмаса, ажратувчи бўлаксиз ва тўсиқсиз йўллардан йўлнинг икки томони яхши кўринадиган жойидан, қатнов қисмининг четига нисбатан тўғри бурчак остида кесиб ўтишга рухсат этилади.

Йўл ҳаракати тартибга солинган жойларда пиёда тартибга солувчининг ёки пиёда

даврий матбуот нашрини ўқиш ҳамда эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиш тақиқланади. Ўтишга улгурмаган пиёда эса қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи чизиқда тўхташи лозим. Кейинги ҳаракатланиш хавфсиз эканига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ва светофор ёки тартибга солувчининг ишораларини ҳисобга олган ҳолда, ўтишни давом эттириши мумкин.

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ – МУҲИМ ОМИЛ

– Кўчада ҳайдовчи ва пиёда асосий ҳаракат иштирокчилари ҳисобланади, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ Ахборот хизмати бошлиғи, майор Қахрамон Худайбергандов. – Ҳайдовчи ва пиёда бир-бирини ҳурмат қилиши лозим. Акс ҳолда, кўнгилисиз ҳодисалар юз бериши мумкин. Пиёда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиши учун уни билиши лозим. Бугунги кунда таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари машғулоти жорий этилган. Мактаб ўқувчилари, боғча тарбияланувчилари ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида барча таълим муассасаларига ИПХ инспекторлари бириктирилган. Ёш пиёдалар билимини мустаҳкамлашга қаратилган «Автомобилдан сақланинг» стендлари ташкил этилмоқда, ҳаракат хавфсизлиги ҳафталиги ва «Диққат болалар» тадбирлари давомида ўқувчилар ўртасида синовлар, диктант ва иншолар танловлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, ҳафтада бир марта «Ҳаракат хавфсизлиги тарғибот куни» ҳамда «Автомобилсиз кун» тадбирлари

ўтказиб келинмоқда. ЙХХБ тарғибот гуруҳи томонидан турли мавзуларда тайёрланган ижтимоий роликлар ОАВларда намоиш этиляпти.

Бундай саъй-ҳаракатлар аҳоли, айниқса, ёшларнинг йўлларда хавфсизлик қоидаларига амал қилишига эришиш, уларнинг йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчисига айланишининг олдини олишга қаратилган.

РАҚАМЛАР ОРТИДА ИНСОН ҲАЁТИ

Йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили уларнинг ҳар иккитадан биттаси пиёда иштирокида содир бўлаётганини кўрсатади. Ачинарлиси, улар орасида норасида болаларнинг, вояга етмаганларнинг ҳам борлигидир. Йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини менсимасдан ёки унга амал қилмасдан, қўпол қоидабузарликлар содир этилиши оқибатида келиб чиқмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида республикада худудиде бевосита пиёдаларнинг айби билан боғлиқ 454 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Оқибатда 93 нафар пиёда ҳаётдан кўз юмган. 378 нафар пиёда эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган.

Таассуфки, юқорида тилга олиб ўтилган рақамлар ортида инсонлар ҳаёти турибди.

«ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!»

Эрталаб ишга отланган киши кексалардан ана шундай дуо олишга ҳаракат қилади. Бундай эзгу ният замирида чуқур маъно бор. Зеро, ҳаётимиз бевосита йўл билан боғлиқ. Пиёда сифатида хатога йўл қўйишимиз эса қимматга тушиши мумкин.

Шундай экан, яхшиси, шоша-шошарликка йўл қўймай, йўлчилик ва йўл белгиларига эътиборли бўлиб, ҳушёр ҳаракатланишга одатланайлик. Шундагина йўлимиз беҳатар бўлади.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
майор.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

«ПАНДЕМИЯДАН КУЧЛИ, ҚУДРАТЛИ БЎЛИБ ЧИҚАМИЗ»

Коронавирус пандемияси туфайли бутун башарият учун синов йили бўлган 2020 йил ҳам адоғига етпти. Юртимизда юқумли касаллик аниқланган илк кундан то бугунга қадар уни жиловлашда қўл келган омиллар ва келгусида кўзда тутилаётган чора-тадбирлар ҳақида Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси Нурмат Атабеков билан суҳбатлашдик.

– Бугун юртимизда коронавирус билан боғлиқ ҳолат анча барқарорлашган. Саралаш марказлари ёпишти. Аммо ҳар йили қиш мавсумида гриппнинг авж олиши, шунингдек, COVID-19 аломатларининг гриппга яқинлиги ва айримларининг бир хил кузатилиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бундай ҳолатларда касалликнинг аниқ ташхисотида тиббиёт тизимида қўл келувчи ва қулай тиббий омиллар мавжудми?

– COVID-19 инфекцияси ҳам грипп инфекцияси каби, респиратор инфекциялар туркумига киради. Клиник белгилари жиҳатидан бу иккала инфекция бир-бирига ўхшаб кетади. Коронавирус инфекциясига хос бўлган асосий белгилар – бу тана ҳароратининг кўтариллиши, қуруқ йўтал, ҳид ва таъм сезишнинг пасайиши, тумов белгиларининг (кўз ёшланиши, бурундан сув оқиши) кам учрашидир. Шу боис тиббиёт ходимлари ушбу инфекцияларнинг солиштирма ташхисотида катта аҳамият бериши лозим.

– Дунё олимлари тождор вируснинг янгидан-янги аломатлари, касаллик асоратлари тўғрисида аҳолига ниятда тезликда ахборот етказишмоқда, касалликни тезроқ даф этиш мақсадида ҳатто тадқиқотлар якунига етмасдан ҳам бонг уришмоқда. Ушбу касалликни даволаш усулларини такомиллаштириш, дори-дармон, вакцина яратиш, ишлаб чиқариш ва унинг синовлари борасида бизнинг юртимизда қандай ишлар олиб борилаётган?

– Албатта, ҳозирда дунё олимлари коронавирус инфекциясида самара берадиган дори воситаларини ва ушбу касалликдан ҳимояни тўлиқ шакллантириб берадиган юқори иммуногенликка эга бўлган вакцина ишлаб чиқиш борасида изланишлар олиб боришмоқда. Айрим мамлакатлар амалга оширилаётган тажрибалар, синовлар ҳақида маълумотларни кетма-кет оммавий ахборот воситалари орқали оммага етказиб бораётган бўлсаларда, ҳали-ҳануз узил-кесил ижобий натижа олинганлигини тасдиқловчи маълумотга эга эмасмиз.

Республикамизда ҳам COVID-19 бўйича бир нечта илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларнинг инфекциянинг инсон организмга салбий таъсирини камайтириш ва даволаш самарадорлигини оширишга йўналтирилганли-

ги барчамизни қувонтиради. Хусусан, «Коронавирус инфекцияси билан касалланиш, қайта касалланиш эпидемиологияси, ташхисоти, тарқалиш даражасини башорат қилиш ва профилактикаси», «Далилларга асосланган тиббиёт асосида «COVID-19»ни этиотроп ва патогенетик даволашнинг янги моделини ишлаб чиқиш» лойиҳалари шулар жумласидандир.

– Дунёнинг илғор мамлакатлари вакцина синовларини бошлаб юборди. Лекин, назаримизда, бунда аниқ бир ечим барибир мавжудми? Чунки яратилаётган вакциналар кўп, аммо улар орасида камчиликлардан холиси деярли кузатилмаяпти. Бизда вакцина билан эмлаш ишлари қандай ташкил этилиши кўзда тутиляпти. Шу ўринда кенг жамоатчиликни ўйлантираётган савол: бизда бу пулликми ёки бепул бўладими?

– Хабарингиз бор, Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерациясида тайёрланган вакциналар клиник синовининг учинчи фазасида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши режалаштирилган. Бу каби клиник синовларда иштирок этиш республикамиз илм аҳлига, тиббиётига ва мутахассисларимизнинг салоҳиятига билдирилган катта ишонч ҳамда баҳо деб ҳисоблайман. Юқоридаги давлатларда ишлаб чиқарилган вакциналар клиник синовининг учинчи босқичини ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш жараёнларига Ўзбекистон Республикасининг етакчи олимлари ва тажрибали мутахассислари жалб этилган. Бундан ташқари, улар вакцинани харид қилиш ва эмлашни ташкиллаштириш билан ҳам шуғулланади. Ўзбекистон GAVIнинг Ковид лойиҳасига ҳам аъзо бўлдики, унга кўра республика аҳолисининг йигирма фоизи, яъни 7 миллионга яқин аҳоли айнан мана шу халқаро ташкилотнинг молиявий кўмагида олиб келинган вакцина билан бепул эмланади.

Бу тадбирлар 2021 йилнинг I чорагида амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамизда 13 турдаги юқумли касалликларга қарши эмлаш тадбирлари амалга оширилади ва уларнинг барчаси эмлаш тақвимида киритилган. Яъни, вакциналарни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети (баъзи ҳолларда, Халқаро донор ташкилотлари, молия институтлари) ҳисобидан қопланади. Мабодо келгусида COVID-19 инфекциясига қарши ишлатиладиган вакцина ҳам эмлаш тақвимида киритилгудек бўлса, у ҳолда, эмлаш ишлари, албатта, давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

– Энг хавфли душман – ваҳима. Ўзбекистон аҳли коронавируснинг ваҳимали босқичини деярли енгди. Кўча-кўйда «Коронавирус ҳам ўзимизники бўлиб қолди», деган гап-сўзлар қулоғимизга чалинади. Аммо оммавий ахборот воситаларида, хориж мамлакатларида «Коронавируснинг иккинчи, учинчи тўлқини», деган сўзлар айланмоқда. Қолаверса, эпидемиологик вазият кескинлашган давлатларда қатъий карантин чоралари қайта кучга киритилаяпти. Биз айти пайтда қайси тўлқиндамыз?

– Жуда кўп фикрлар бўляпти: касалликнинг биринчи тўлқини, иккинчи тўлқини, учинчи тўлқини... Бир нарсани аниқ билайлик, биз ҳали биринчи тўлқинни узганимиз йўқ, аниқроқ айтсак, биз тўлқиннинг ичидамиз. Қачонки, касаллик қайд этилиши умуман тўхтаса ва касалликнинг яширин даври ичида бирорта ҳам бемор аниқланмаса, Ўзбекистондаги касалликка чалинганларнинг манбаи жиловланган бўлса, биз биринчи тўлқинни уздик, деган фикрга боришимиз мумкин. Шунинг учун иккинчи, учинчи, йигирманчи тўлқинлар ҳақида гапириб, ташвишланишимизга асос йўқ.

– Яшил ҳудудларга авиакатновларнинг тикланиши, ички ва халқаро туризмга рухсат берилиши эпидемиологик вазиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. Республикамизда COVID-19 қайд этилган энг биринчи ҳолат ҳам айнан шу соҳа билан боғлиқ эди. Биз туризмдаги энгилликларга тайёرمизми? Бу касалликнинг яна ёйилишига сабаб бўлмасмикин? Бу борада қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда?

– Биринчидан, биз ҳали коронавирус бутун дунёга,



жумладан, Ўзбекистонга қанча муддатга келганини билмаймиз. Шундай экан, биз мазкур инфекция бор муҳитда яшаш, ижод қилиш, бунёдкорлик билан шуғулланиш, таъбир жоиз бўлса, у билан қўшничилик қилишга ҳам ўрганишимиз керак.

Пандемиянинг салбий таъсирини туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш орқали камайтириш, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб, туризм соҳасини жадал қайта тиклаш, шунингдек, сайёҳлар ташриф буюрадиган (фойдаланадиган) барча объектлар, умумий овқатланиш масканлари, аҳоли гавжум бўладиган жойлар ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари, транспорт воситалари санитария-гигиеник ҳолатини яхшилаш, COVID-19 ва бошқа юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ҳамда ташриф буюрувчилар учун хавфсиз шарт-шароитлар яратилиши бўйича назоратни ўрнатишимиз талаб этилади.

– Пандемия тиббиёт ходимларининг билими, касбий маҳорати, керак бўлса, фидойилигини синовдан ўтказди. Вазият анча барқарорлашган айни дамларда бошқа юқумли касалликларни даволаш ишларига қай даражада эътибор қаратилмоқда?

– Тўғри айтдингиз, пандемия нафақат тиббиёт тизимини, балки бир қатор давлатлар, уларнинг иқтисодийетини ҳам синовдан ўтказди. Турли йўналишдаги тиббиёт ходимлари тождор вирусни даволаш бўйича мутахассисликка эга бўлишди, тажриба орттиришди, билимларини янгилашди, салоҳиятини оширишди, даволаш усулларини ўзлаштиришди. Таъбир жоиз бўлса, кўринмас ёв билан жанг майдонида товланишди. Республикамизда коронавирус инфекцияси билан касалланган беморлар сони кўпайган вақтда кўпгина даволаш-профилактика муассасалари коронавирус инфекцияси билан зарарланган инсонларни даволовчи шифохоналарга айлантирилган эди. Ҳозирги қунда барча шифохоналар ўз фаолиятига қайтди. Биргина Тошкент вилояти Зангиота туманидаги юқумли касалликлар шифохонаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бир-иккитадан муассасалар COVID-19 билан касалланган беморларни қабул

қилиш, даволаш ишлари билан шуғулланишмоқда.

– Юртимизда пандемиянинг илк кунларидан то бугунга қадар унга қарши курашишда тиббиёт ходимлари билан ички ишлар органи ходимлари бир-бирини қўллаб-қувватлаб, елкама-елка фаолият юритиб келмоқда. Сиз бу ҳамкорлик самараларини қай даражада баҳолайсиз?

– Дарҳақиқат, пандемия даврида ички ишлар органлари ходимлари тиббиёт ходимлари билан елкама-елка фаолият юритиб келмоқда. Республика махсус комиссиясининг қарорига мувофиқ, кучайтирилган санитария-гигиена ва эпидемияга қарши назоратни амалга оширишга қаратилган бир қатор тадбирларда соҳа вакилларининг иштироки эътирофга лойиқ.

Биз уларга ишонамиз ва суянамиз, шунинг учун ҳам лозим бўлган пайтда дарҳол ёрдам сўраб мурожаат қиламиз. Мен биладиган битта ҳақиқат шуки, одамзод доимо ишонган одамига суянади, ундан имдод кутади. Албатта, меҳнат қилган элда азиз, деганларидек, соҳа вакилларининг машаққатли ва масъулиятли хизмати ҳукуматимиз раҳбарияти эътиборидан четда қолмаяпти.

– Юртимиздаги эпидемиологик вазиятдан хабардор мутахассис сифатида Президентимиз таъкидлаганидек, биз пандемиядан қудратли бўлиб чиқа оламизми? Бу борада қандай фикрдасиз?

– Албатта, дунё ҳамжамиятидаги эпидемик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда карантин чора-тадбирлари ҳозирча сақланиб туради.

Назаримда, пандемия билан боғлиқ синов майдонида товланган тиббиёт тизими, кўпгина бошқа соҳалар, айниқса, ахборот-коммуникация соҳаси мисли кўрилмаган янгиликларни амалиётга олиб кирди. Энг асосийси, биз COVID-19 туфайли ҳамкорликни, ҳамжиҳатликни, ҳамфикрликни ўргандик. Бир-биримизни тўлдирини, қўллаб-қувватлашни одат қилдик. Бир ёқадан бош чиқариб, ҳар қандай ёвни жиловлаш имкони борлигини англаб етдик.

Ибн Сино бобомиз айтган «Соғлом бўлишлик – гўзал бўлишлик» иборасининг моҳиятини теран англаб барчамиз гўзалликка интила бошладик. Бунинг ўзи энг катта ютуғимиз...

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА
суҳбатлашди.



В ОБЪЕКТИВЕ – РАБОТА С ЖЕНЩИНАМИ

В Мингбулаке применяют опыт Бухары

На сегодня выработались и оправдывают себя на практике новые, действенные методы профилактики правонарушений среди населения, особенно женщин и несовершеннолетних. Каждый регион вносит в данное дело свои коррективы, лепту. Так, уже устоялось среди сотрудников профилактической службы словосочетание «опыт Бухарской области». В Мингбулакском районе Наманганской области в деле работы с женщинами, повышения эффективности профилактики правонарушений и преступлений с их участием, внедрен опыт бухарских коллег. Используя силы и возможности органов местной власти, а также общественных формирований, ведется целенаправленная работа в этом плане.

В частности, в приоритете всегда вопросы, связанные с трудоустройством, занятостью женщин. Это важно не только для поддержания материального блага семьи, самих женщин, но и для самоутверждения, раскрытия способностей, формирования чувства причастности к обществу, реализации их планов и намерений. Женщина должна найти свое место в жизни, быть полноценным членом общества, уметь сказать свое слово. И в этом она нуждается иногда больше всего. Сотрудники ОПП, работая в данном направлении, всегда стараются протянуть руку помощи тем, кто нуждается в трудоустройстве. Оказывается содействие в устройстве на работу, чтобы и условия, и зарплата подходили для женщины.

Стоит отметить, что в ОПП Мингбулакского РОВД из женщин, состоящих на учете в органах внутренних дел и других организациях, было отобрано более 350 женщин,

наиболее нуждающихся в поддержке, которым, по мере возможности, оказана необходимая помощь. К данному делу привлечены и другие заинтересованные организации и ведомства.

Важным направлением работы с женщинами является также предупреждение среди них преступности и правонарушений. Так, велась целенаправленная работа с ранее привлекавшейся к уголовной ответственности жительницей района О. Л. С ней были проведены профилактические беседы, в ходе которых выявлены проблемы, изучены условия проживания. Прикреплены наставники из числа активных жительниц к девяти женщинам, ранее судимым за совершение преступления. Изучены условия жизни, трудоустроены более 20 женщин, состоящих на профилактическом учете службы пробации. Оказана практическая помощь в получении гражданского паспорта Т. У. Кроме того, оказалось,

что женщина страдает от алкогольной зависимости. При содействии ряда организаций ее направили на лечение в наркодиспансер.

Совместно с комитетом женщин, районным хокимиятом, благотворительным общественным фондом «Махалла» сформирован список из десяти женщин, склонных к совершению правонарушений. Он предоставлен рабочей группе, составленной для изучения социально-духовной атмосферы в махаллах Мингбулакского района. В результате всем была оказана помощь: одна занялась предпринимательством, другая начала заниматься ремесленничеством, трое обеспечены надомной работой, одной оказана медицинская помощь, а четверо получили помощь психолога.

Были выявлены факты отрицательного влияния двух мам на своих чад. За воспитание родительниц взялись



уважаемые жители махалли, которые проводили с ними беседы. К сожалению, имел место случай, когда одна жительница пыталась наложить на себя руки. Изучены условия и причины, толкнувшие ее на такой опрометчивый шаг. После профилактических бесед она была прикреплена к психологу.

К сожалению, в жизни встречаются различные ситуации. Более 70 женщин по тем или иным причинам оказались на грани развода. Что стало причиной сложившейся ситуации, какие проблемы тревожат данные семьи? Такого рода вопросы стояли перед старшим инспектором по вопросам женщин ОПП РОВД лейтенантом Севарой Хашимовой. Совместно с представителями загса и научно-практического центра «Оила» изучены все обстоятельства дела, приняты необходимые меры для примирения семей.

Как известно, в последнее время стал эффективным метод выдачи охрannого ордера тем, кто пострадал от семейного насилия и притеснений. К примеру, жительница Мингбулака, Гузаль Рахимова (имя и фамилия изменены), неоднократно подвергалась притеснениям со стороны супруга. Не останавливало супруга и то, что в семье растут четверо детей. Тогда в дело вмешались сотрудники Мингбулакского РОВД. Старший инспектор по вопросам женщин Севара Хашимова совместно с территориальным инспектором профилактики поговорили с супругами, объяснили всю ответственность действий супруга и выдали женщине охранный ордер. Думается, супруг опомнится и начнет ценить свою жену и детей.

Азиза ЖАНИЕВА,
корреспондент
«На посту».

В КАРАУЛЬНЫХ ВОЙСКАХ

Практика – основа профессии

На основании приказа Президента Республики Узбекистан – Верховного главнокомандующего Вооруженными Силами страны – при Академии Вооруженных Сил создана кафедра по подготовке войск Министерства внутренних дел республики. В настоящее время на этой кафедре обучаются курсанты.

С целью закрепления знаний и выработки практических навыков группа курсантов прибыла в войсковую часть № 7531 для проведения практических занятий по теме: «Оружие и специаль-

ная техника, применяемые в боевых действиях Вооруженных Сил».

Командование Караульных войск, а также специалисты части, ознакомили курсантов со всеми видами



современного вооружения и специальной техники, используемых в войсковых частях МВД. Были также продемонстрированы тактико-технические характеристики и порядок применения спецтехники на практике, основы работы со служебными собаками.

Курсантам разъясняли важность соблюдения правил безопасности при применении специального боевого оружия. В ходе занятий эксперты ответили на все заданные вопросы.

– Уверен, что курсанты закрепили на практике изучаемую в аудиториях теорию и вернутся в образовательное учреждение с массой впечатлений. Проведение занятий непосредственно в войсках станет основой формирования грамотного и квалифицированного личного состава Караульных войск в будущем, – поделился старший преподаватель кафедры по подготовке войск МВД Академии Вооруженных Сил майор У. Сайдуллаев.

Абу КЕНЖАЕВ,
фотокорреспондент «Postda».

САНЪАТ ДАРФАЛАРИ

МАҲОРАТИ МАКТАБ САНЪАТКОР

Ўзининг иқтидори, қобилияти, бетакрор ижро маҳорати билан халқимиз қалбидан жой олган санъаткорлар кўп. Санъаткорнинг яратган қаҳрамони қачон томошабинга манзур бўлиб, унинг кўз олдига ҳар доим муҳрланиб қолади? Қачонки, шу роль маромига етказиб ижро этилган бўлса. Қолаверса, ниҳоятда омилкорлик билан қурилган бинонинг битта ғиштини олиб ёки силжитиб бўлмаганидек, актёрнинг маҳорат билан ижро этган образини бойитиш, ўзгартириш мушкул. Бунда тилимизда беихтиёр «Бу роль айнан сиз... учун ёзилган», деган жумла айланади...

Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев ҳам ана шундай бир-бирини такрорламас қаҳрамонлар образини маҳорат билан мухлислар қалбига жойлашга муяссар бўлган санъаткор. Президентимиз фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан тақдирланиши айни кунларда қутлуг 80 ёшни қаршилаган Хайрулла Саъдиев қувончига қувонч қўшди. Бугун бу эътирофдан санъаткорни, унинг ўзига хос санъатини эъзозлаган халқимиз ҳам беҳад мамнун. Чунки Хайрулла Саъдиев бизга бегона эмас. У бизнинг, яъни, томошабиннинг қалбига ҳар бир қаҳрамони тилидан керакли сўзни айта билган, керак бўлса, маромига етказиб ижро этган образлари орқали инсонларга ибрат кўзгусини тутиб, ҳаётнинг турфа чигалликларидан зарур хулоса чиқариб, тўғри йўлга бошлаган таникли актёр.

1963 йилда Ўзбекистон давлат театр ва рассомлик санъати институтини тугатган Хайрулла Саъдиев интервюларидан бирида олийгоҳга кириши ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Санъатга иштиёқим жудаям баланд. Лутфулла билан театр институтини уч кун қидирдик, топа олмадик, бировдан сўрашга уяламиз. Ҳар гал турли томондан келиб, озгина масофа қолганда, қайтиб кетар эканмиз. Тўртинчи кун деганда, институтни топдик, «театр ва кино актёри» бўлимига ҳужжат топширдик...» Унинг соддалик, ҳаётга бўлган покиза қарашлар уфуриб турган бу сўзларини тинглаб, санъаткорлар шундай тобланармикин, дейсан киши. Аслида ҳаётга шундай кўз билан қараб, ундаги синоатларни беғубор, бошқалардан фарқли ўлароқ, теран нигоҳ билан пайқаган инсонгина сахнада уни шундайлигича

ҳис этиб, бошқаларга еткази билади. Балки бу қобилият отаси актёр Ҳабиб Саъдиевдан юққандир...

Илк фаолиятини ёш томошабинлар театрида бошлаган Хайрулла Саъдиев сахнага сингиб кетди. Афандихон Исмоилов, Карим Хонкелдиев, Иброҳим Аҳмедов, Манзура Ҳамидова, Бадал Нурмухамедов, Обид Толипов, Воҳид Қодиров, Муҳаббат Йўлдошева ва каби сахна усталаридан актёрлик санъати сирларини ўрганди. Манеко («Полиздаги воқеа») унинг сахнада яратган илк образидир. Театрда тобора тажриба орттирган санъаткор ёш томошабинларнинг қалбига жуда яқин «Қор маликаси»да Кей, «Али-Вали»да Али, «Суқатой-Конфетвой»да Конфетвой, «Қовоқвой ва Чаноқвой»да Қовун ролларини ижро этди.

аткор учун бу йўналиш ҳам омадли келди. Учкун Назаровнинг «Шиддат» фильмида Мамат, «Акмалнинг саргузашти»да юздан ошган чол, «Арслоннинг саргузаштларида» Оч, «Кулол ва хурмача»да чойхоначи, «Тўйлар муборак»да куёв жўра сингари бир-бирини такрорламас образларни яратди.

Санъаткор «Тўйлар муборак» фильмининг суратга олиш жараёнлари ҳақида гап кетганда, йўқолган куёвни сув остидан қидириш эпизоди билан боғлиқ хотиралар билан ўртоқлашиб шундай дейди: «Кадр Бешёғочдаги кўлда суратга олинапти.



... Лутфулла билан театр институтини уч кун қидирдик, топа олмадик, бировдан сўрашга уяламиз. Ҳар гал турли томондан келиб, озгина масофа қолганда, қайтиб кетар эканмиз. Тўртинчи кун деганда, институтни топдик...

1963 йили Ганжа Ёқубов телевидениеда Фафур Фулом асари асосида «Шум бола»ни қўйишга киришди. Ва бош қаҳрамон образига жуда катта танловлардан кейин Хайрулла Саъдиев Шум бола образига тасдиқланди. Актёрни айнан ушбу образ жамоатчиликка яқиндан танитди.

Кино оламига ўтган асрнинг 70-йилларида кириб келган санъ-

Октябрь ойи, ҳаво совуқ. Куёв жўра ролидаман. Жуда пўрим кийинганман. Оёғимда платформа туфли. Сюжетга кўра, қайиқ бирдан қалқиб, мен сувга йиқилишим, ундан чиқиб, ўша сиз билладиган машхур иборани: «Машитдан узу-ун, шалпангқулоқ, овсар ўлик чиқмадим», дейишим лозим. Бу кадр бир неча бор суратга олинди. Режиссёр яна бир дублга кўрсатма берди. Совуқ ўз кучини кўрсатдим, оёғимдаги платформа туфлининг оғирлиги ошиб кетдим, учинчи дублдан сўнг қани энди сувдан чиқа олсам, чўка бошладим. Ҳайтовур суратга олаётганлар буни ўз вақтида сезиб қолишди...»

Санъат йўлининг мана шундай машаққатларини бирдек қабул қилган ижодкор фақат олдинга интилиб, янги образлар устида тинимсиз изланди. Доимо ўзидаги қобилиятдан самарали фойдаланишга, давр билан ҳамқадам бўлишга ҳаракат қилди. 1986 йилдан Сатира театрида

фаолиятини давом эттириб, ўткир сатирик ва лирик портретлар устаси сифатида элга танилди. Кейинчалик Хлестаков («Ревизор»), Дартаньян («Уч мушкетёр»), Афанди («Афандининг ёшлиги»), Юсуф («Тобутдан товуш») каби ролларни ижро этди. Шунингдек, «Марғиёна»да масхарабоз, «Алпомиш»да Тойчахон, «Мешполвон»да Райҳон қизиқ каби образлар унинг мухлисларга янги ижро қирраларини намоён этишига хизмат қилди.

«Аросат», «Шайтанат», «Чашма», «Йўқолган одам», «Ўтов», «Иблис девори» каби кинокартиналардаги образлари билан актёр том маънода чуқур мазмунли, умуминсоний туйғуларнинг ижрочисига айланди. Хусусан, «Ўтов»да марказдан анча узокда ҳаёт ташвишлари билан андармон оддий бир оиланинг маслаҳатгўйи, фуқаронинг тақдирига жон куйдирувчи профилактика инспектори ролини ижро этиш билан одамийлик, инсоф, диёнат каби тушунчалари машаққатли касбнинг қат-қатига сингиб кетганлигини томошабинга кўрсата билди.

«Шайтанат»да Асадбекнинг садоқатли, тўғри сўз, ҳалол, дангалчи дўсти Жалил қиёфасида ҳақиқат билан ёлғон, мусибат билан шодлик, ғам-қайғу билан қувонч орасидаги кўпчилик кўз билан кўриб турса-да, илғай олмайдиган назик жиҳатларни юз қиёфаси, бир оғиз жумла билан ифода эта олди. Бу актёр маҳоратининг ўзига хос мактаб эканлигидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев яратган соф ва самимий, ҳаётий образлар, энгил кулгу уйғотувчи турфа қиёфалар билан ҳар гал тўқнашганда, у кинода бўладими ёки ўзбек театрининг олтин фондидан жой олган сахна асаридими, ёш томошабинлар учун мўлжалланган фильм бўладими, ҳар гал теран мазмун ва эскирмаган моҳият ортидан эргашамиз. Чунки уларнинг ҳеч бири бизга нотаниш эмас. Таникли санъаткорнинг бахти, ютуғи, санъатининг саодатга айлангани ҳам шунда.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА.



СИНИҚ КЎНГИЛ ПАРЧАЛАРИ

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ВА ЯХШИЛИК – УМР ЗИЙНАТИДИР

Фароғатнинг отаси оғир касалликдан вафот этгач, оила юки ёлғиз она зиммасига тушди. Тунни тонгга улаб, машаққат билан ишласа ҳам, рўзғор тебратиш анча қийинлашиб қолди. Шунинг учун Фароғат 8-синфни тугатар-тугатмас, пул топиш илинжида ўзини савдога урди.



Йиллар ўтиб, у оила қурди, аммо фарзандсизлик туфайли оиласи бузилди. Яна ота ҳовлисига қайтиб, ўзи билган тижорат ишлари билан шуғуллана бошлади. Шундай кунларнинг бирида шифохонада синглиси билан бир хонада ётган бемор аёл билан танишиб қолди. Бошидан ўтган синовли кунлари ва айни пайтда пулнинг учини учига улаб, амаллаб етказётганидан хабар топган аёл Фароғатнинг ҳар қандай қалтис ишга рози бўлиши мумкинлигини ўйлаб, унга даромадли «иш» таклиф этди. Фароғат аввалига бу ишнинг охири «вой» эканини ўйлаб, рози бўлмади. Аммо аёл унга тез орада бойиб кетишини ваъда қилиб, ичини

роса қиздирди. Шу тариқа, тўқис ҳаёт илинжида Фароғат гиёҳвандлик воситасини сотиш ишларига араллашиб қолди.

Аммо Фароғатнинг қилмишлари тез орада фош бўлди ва у жиноий жавобгарликка тортилди. Олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган Фароғатга кенг дунёлар тор бўлди. Ўзини дунёдаги энг ношуд ва ношукр инсон деб билди. Хатоларини англаб етди, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлди. Тузалиш йўлига ўтгани туфайли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, муддатидан уч йил олдин озодликка чиқди...

Фароғатнинг қайтиши тўй-

га уланиб кетди. Укасини уйлантириб, унинг бошини иккита қилишди. Ёши катталар Фароғатга ҳам яна қайта оила қуришини, фарзандли бўлишини айтиб, насиҳат қилишди. Кимлардир уни, буни дараклай бошлашди. Тақдир унинг пешонасига битганини рўпара қилди. Фароғат ширин-ширин орзулар билан оила қурди.

Беш йил бирга бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғини яхши билман, деб ўйларди, бироқ адашган экан. Айнан эри туфайли ўтмишдаги хато яна такрорланди, билиб-билмай, англаб-англамай, яна шу ўйинга бош суқиб қўйди...

Энди анчага – 11 йилга «кесилди». Онанинг бу синовга бардоши етмади, йиғлаб-йиғлаб, охири... сўнди... Онанинг бевақт ўлимига чидолмаган ёшгина укаси ҳам оламдан кўз юмди... Армонли йиллар ортда қолди. Ҳар бир янги кун Фароғат учун янги бир имкон, умид дегани эди. Ёруғ кунлар яқин қолганига чин дилдан ишонарди ва шундай бўлди ҳам...

2019 йил 19 декабрь... Айнан мана шу кун унга ҳаётидаги унутилмас лаҳзаларни ҳада этди. Қилмишидан чин кўнгиладан пушаймонлиги, жазони ижро этиш муассасаси томонидан ижобий тавсифланганлиги ва жазо муддатини ўташ даврида бир неча маротаба рағбатлантирилгани, шунингдек, Хотин-қизлар қўмитаси кафедраси асосида муддатидан аввал озод этилди.

– Менга бағрикенглик кўрсатилиб, муддатдан олдин озодликка чиқаришди. Бунинг учун шу имконни берган давлатимиздан, Президентимиздан миннатдорман. Наркотик савдоси туфайли иккинчи марта қамалганим менга жуда қимматга тушди. Онам мен туфайли сиқилиб, бу дунёни тарк этди. Укаларим, сингилларим отадан барвақт ажрагани етмагандек, мен туфайли она меҳриси, суянчисиз қолди. Бу кўргуликни кўтара олмаган укам вафот этди. Шундай оғир пайтда оиламнинг ёнида бўла олмадим. Бу пушаймонлар кўзимни очди. Берилган имкондан фойдаланиб, энди ҳалол меҳнат қилиб яшашни мақсад қилдим.

Озодликка чиққан кунимданок, маҳалла-кўй мени ёлғиз ташлаб қўймади. Очиғи, улардан бундай муносабатни кутмаган эдим. Пандемия даврида маҳалла томонидан 1 миллион сўм моддий ёрдам олдим. Маҳалла раиси Ойбек Худоёров бошчилигида маҳалла фаоллари хабардор бўлиб туришади, саховатли кишилар томонидан кўрсатилаётган хайр-эҳсонлардан беришади. Яқинда ҳокимият томонидан тикув машинаси ҳада қилишди, маҳалладан уйимнинг томи учун 40 донна шифер беришди. Мен ёлғиз эмасман, атрофимда шунча ғамхўр кишилар борлигидан хурсандман, барчаларидан миннатдорман.

Туман ИИБ ХҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича

инспектори, подполковник Нодира Қосимова Фароғат Саидмирзаеванинг ҳаёт варақаларидан яхши хабардор. Аёл аёлни тушуниши осонроқ бўлгани учунми, ҳарқалай, Фароғатнинг дил оғриқларига бефарқ қараб туролмайди. У учун жон куйдириб, ҳали у ердан, ҳали бу ердан ёрдам сўраб, бир ишнинг бошини туттишига кўмаклашади. Субсидия орқали Фароғатнинг ҳовлисида каттагина иссиқхона қурилишига ҳам аслида Нодира Қосимова сабабчи бўлган.

– Фароғат меҳнатдан қочмайди. Ҳозир тикувчиликни ўрганаётганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Ҳунарли киши хор бўлмас, дейишади. Шояд, устозлик даражасига етишиб, келажакда ўзи шоғирдлар тайёрласа, ёшларнинг ҳунарли бўлишига кўмаклашса. Унинг ишончимизни оқлашига ишонамиз.

Ҳамма ҳам хато қилиши, адашиши, алданиши мумкин. Аммо қилган хатоларидан тўғри хулоса чиқариш, келгуси ҳаётини эзгу мақсадлар сари йўналтириш тоза қалбли инсонларгагина хос хислат. Ишонамизки, Фароғат хатоларидан ўзига керакли хулосалар чиқариб олди. Ҳалол меҳнат билан топилган ризқ орқалигина хотиржам ва бахтиёр ҳаёт кечирши мумкинлигини англаб етди. Зеро, ҳалол меҳнат ва яхшилик – умр зийнатиدير.

Адолат ФАЙЗИЕВА,
«Postda» мухбири.

Тошкент вилояти.

ТЕРГОВ ХИЗМАТИ

СИНЧКОВЛИК ВА ХОЛИСЛИК АСОСИЙ МЕЗОН

Жиноятларни атрофлича таҳлил этиш, холисона хулоса чиқариш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлаш тергов хизмати ходимлари зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Урганч шаҳар ИИОФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 334 та жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, шундан 244 таси якунига етказилган. Тергов жараёнларида 71 та қўшимча жиноят аниқланиб, тегишли тартибда ҳисобга қўйилган. Шунингдек, 21 та ҳолатда томонларнинг ярашувига эришилган.

Бўлимда тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг тўлиқ таркибда воқеа жойига тезкорлик билан етиб бориши, гуруҳ раҳбари томонидан ходимларга жиноятни фош қилишга қаратилган аниқ вазифаларнинг тақсимлаб берилиши, жиноятга алоқадор бўлган шахсларни излаб топиш, жиноят изларини синчковлик билан ўрганиш ва тегишли тартибда ҳужжатлаштириш каби муҳим жараёнлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Бундай хизмат жараёнлари ҳар ўн кунда гуруҳ аъзолари иштирокида муҳокама қилиниб, таклиф ва фикр-мулоҳазалар атрофлича таҳлил қилин-

япти. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Ҳамжиҳатликда ўтказилаётган бу каби тадбирлар тергов-тезкор гуруҳи ходимларининг самарали фаолият олиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

– Ҳар бир жиноятни синчковлик билан ўрганиш, таҳлил қилиш, холисона

баҳолашда терговчидан катта масъулият талаб этилади, – дейди Урганч шаҳар ИИОФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими бошлиғи, капитан Оллаберган Оллаберганов. Ана шундагина адолат қарор топиб, жиноятчи қилмишига яраша жавобгарликка тортилади.

Жиноят содир этилишининг сабабларини синчкилаб ўрганиш ва имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис жойларга юборилган тақдимнома-


ларнинг жавобларини ўз муддатида қабул қилиш, қолаверса, тақдимномалар муҳокамасида терговчиларнинг бевосита ўзлари иштирок этаётгани бесамар кетмапти. Профилактик тадбирларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланилаётгани, маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда учрашувлар, йиғилишлар, давра суҳбатлари ўтказилаётгани ҳам жиноятларнинг барвақт олдини олишда ижобий натижа бермоқда.

Ички ишлар вазирлигининг фармойишига мувофиқ, терговчиларнинг билим савияси ҳамда касбий маҳоратини ошириш мақсадида ўқув машғулоти ташкил этилган. Бунда суд, адвокатлар палатаси, прокуратура, божхона, солиқ хизмати ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг етакчи мутахассислари иштирок этиб, кун тартибдаги масалалар бўйича фикр алмашилмоқда. Ҳамкорликда ўтказилаётган бундай тадбирлар хизмат самарадорлигининг муҳим жиҳати сифатида эътироф этилмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.

Хоразм вилояти.





Детская страничка



Пришла настоящая зима

В наш прекрасный край пришла зимушка-зима. Она укрыла белым пушистым покрывалом города и сёла, горы и поля, дороги и дома. Белоснежная скатерть продержится недолго, ведь солнышко любит тёплый Узбекистан и не забывает прогревать его своими лучами, даже холодной зимой.


Дедушка Мороз со Снегурочкой, наверное, попросили солнышко дать им возможность порадовать детей. Уже несколько раз шёл снег. Он одел в тёплую шубу тротуары и мосты, машины и фонари. Деревья примерили белый наряд, и травка уснула под мягким одеялом.

А детишки рады – вытащили санки, резвятся, катаются, играют и даже протаптывают ножками рисунки по свежеснеженному снегу. Ребятишки надеются, что на Новый год Дедушка Мороз не забудет вместе с подарками снова принести им снег!



Кто нарисован на картинке?

Хочешь узнать, кто нарисован на картинке? Соедини точки каждого цвета по порядку и раскрась рисунок.



Анекдоты

Мальчик спрашивает у отца:
– Папа, а что такое каменный век?
– Каменный век – это время, когда всё было из камня.
– И компьютеры тоже?!

– Вовочка, почему ты приходишь в школу с грязными руками?
– А у меня других нет.

На какие цифры похожи эти предметы?



Головоломка

«Расшифруй загадку»

Вместо значков подставь соответствующие буквы, прочитай загадку и отгадай её.



Время года

Она явилась закутанной, белой, холодной.

– Кто ты? – спросили дети.
– Я время года – зима. Я принесла с собою снег и скоро набросаю его на землю. Он всё закроет белым пушистым одеялом. Тогда придёт мой брат – Дедушка Мороз и заморозит поля, луга и реки. А если ребята станут шалить, то отморозит им щёки и носы.

– Ой, ой, ой! Какая нехорошая зима! Какой страшный Дедушка Мороз! – сказали дети.

– Подождите, дети... Но зато я подарю вам катанье с гор, коньки и салазки. А после придёт любимый праздник с весёлой ёлкой и Дедушка Мороз с подарками. Разве вы не любите зиму?

АМН ЕН АЕНРСТШ ЗИЙИМН ДЛООХ,
ЕВС МЫ ИМОРСТ ЕЖИННСЫ ГДООР.
В ЁМН ИКНОТ ЕН БДЕТУ АПСТЬ –
ИМОРСТ, БОТЧЫ АМТ АГИРТЫ!



ПЕРЕСТАВЬ БУКВЫ
В СЛОВАХ И ПРОЧИТАЙ
СЧИТАЛОЧКУ



17 ДЕКАБРЬ – ОГАХИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ОГАХИЙ ИЖОДИДА ТУЙҒУЛАР ТАРАННУМИ

Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий XIX аср Хоразм адабий муҳитининг забардаст намояндаларидан бири бўлиб, халқимиз тарихида ўзига хос ўринга эга.



1809 йил 17 декабрда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида таваллуд топган адиб: «Биз Хивада яшовчи юз тоифасидан бўлган Амир Эшимбийнинг авлодидандир-миз», деб ёзганди.

Эрнийезбек мироб 1812 йилда вафот этгандан кейин Оллоқулихон Шермуҳаммад ибн Авазбей мироб ўғли Мунисни мамлакатнинг бош мироби қилиб тайинлайди. Мунис Огаҳийнинг амакиси бўлиб, отаси ўрнида Огаҳийга 1829 йилгача ғамхўрлик қилган. Унинг болалик ва ёшлик йиллари Қиёт қишлоғида ўтди ва улғайгач, Хивадаги мадрасалардан бирида таҳсил олди. Араб, форс, туркий халқлар адабиёти, шунингдек, мумтоз мусиқа ҳамда тарих фанини қунт билан ўрганди. Шеърят оламида унинг таҳаллуסי Огаҳий бўлиб, луғавий маъноси – огоҳман – сергакман демакдир. У моҳир хаттот бўлиб, кувий, райҳоний, хатти шикаста каби хатларни яхши билган. Хива хони Оллоқулихоннинг Хурасонга қилган сафарига вабо касали тарқалиб (1829) амакиси Мунис вафот этади. Оллоқулихон Огаҳийни Муниснинг ўрнига мироблик вазифасига тайинлайди.

Огаҳий дунёга, инсонга туганмас муҳаббат, ҳаётга чексиз меҳр билан қарайди. Шоир ҳаёт гўзалликларини, муҳаббат шавқ-завқини тўлиб тошиб тараннум этади. Ҳар бир одамнинг ҳаётида ҳам бахт ва ғам, умид ва умидсизлик туйғулари аксар ёнма-ён келади ва ҳар бир одам ўз ишончу эътиқодига муносиб равишда салбий ҳолатлардан халос бўлиб, ютуқларга восил бўлмоқ умидида яшайди. Огаҳий ижодига назар ташлар эканмиз, шундай ҳисларни кўчма маънода ифодалаш маҳоратини эътироф этмай иложимиз йўқ. Шоир ғазалларида ранг-баранг бадиий тасвир воситаларидан фойдаланган бўлиб, улар орасида метафора воситасида яратилган поэтик ифодалар алоҳида диққатни тортади.

Метафора усулининг бир неча ўринларда қўлланиши Огаҳий ижодида эмоционал-экспрессивлик, таъсирчанлик бўёғининг кучли оҳангларда тараннум этилишига сабаб бўлади. Масалан, ғамза ўқи, такаббурлик либоси, сабр косаси, ҳасад ўти каби бирикмалар мумтоз ва замонавий адабиётимизда кўп бора қўлланган. Огаҳий ғазалларида эса биз метафоранинг такрорланмас, гўзал намуналари билан танишамиз.

**Сиҳи қадларни қумри янглиғ,
этди ишқидан нолон,
Назокат боғида сарви
хиромонингга салламно.**

Шоир бу мисралари орқали расо қад-қоматли ошиқнинг қумри каби нола қилиб, ғамдан адо бўлганини тасвирлайди. Лекин ошиқ шундай абгор ҳолатда ҳам «назокат боғи»да маъшуқасининг сарв дарахтидек тик қоматига тасаннолар айтади. Яъни, ошиқнинг маъшуқаси барча гўзаллик ичида юриш-туриши, ҳаракат

«Устина» радибли ғазалида метафоранинг яна бир гўзал намунасини кўришимиз мумкин.

**Бошимга ёғгон ғам тоши
мингдин бирича бўлмағай,
Гардун агар минг бесутун
ёғдирса Фарҳод устина.**

Маъшуқа ошиқнинг хаста жонига таҳлика солиб, зулм устига зулм этади. Фарҳод – ишқ йўлида чексиз заҳматлар чеккан, ғам-аламлар тортган, мусибатларга йўлиққан образ. Бесутун – Фарҳод қазиган



ва қилиқларидаги нозиклиги, латофатлилиги билан танҳо эканлигига ишора қилади.

**Чекарсен, Огаҳий, тун-кун
ул жавру жафосини,
Бу қоттиғ меҳнат ичра чиқмаган
жонингга салламно.**

Ошиққа ёри томонидан кўрсатилган зуғум, жавр-у жафо ўз ҳаққи аълосига етганки, қаҳрамон буни «қаттиғ меҳнат» бирикмаси билан ифодаламоқда. Ошиқ ички қийноқлар гирдобида қолади. Бундай машаққатдан, яъни ситамдан жон асраш душвор, лекин ошиқ ўзига тасалли бериб, жафоларга чидай олганига тасанно айтади.

афсонавий тоғ. Ўз кўргиликларини чамалар экан, ошиқ менинг бошимга тушган азиятлар олдида Фарҳод тортган азоблар ҳеч нарса эмас, дейди. Огаҳий лирик қаҳрамони чеккан ғам юклари шу қадар оғирки, агар фалак Фарҳоднинг устига яна минг Бесутун ёғдирса ҳам, ошиқ чекаётган ғам юкининг мингдан бирича бўлмайди.

Огаҳий жаҳон адабиёти, маданиятининг нодир дурдоналари саналган 20 дан ортиқ асарларни ўзбек тилига ўгириб таржимашунослик мактабини яратди.

Моҳир таржимон сифатида Мунис тугаллай олмай кетган Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарининг 2–3 жилдларини, Муҳаммад Махдихон-

нинг «Нодирнома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тазкираи Муқимхоний», Низомиддин Аҳмад Ҳиравийнинг «Табоқоти Акбаршоҳий», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Равзат ус-сафои Носирий» номли асарлари, Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳафт бихишт», Муҳаммад Вориснинг «Зубдат ул-хикоят», Абдурахмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо», «Саломон ва Ибсол», «Баҳористон», «Ҳафт авранг» асарлари, Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳу гадо», Восифийнинг «Бадое ул-вақое» китобларини, Кайковуснинг фалсафа ва ахлоқ масалаларига бағишланган «Қобуснома» асарини, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Имомиддин Фиждувонийнинг «Мифот ут-толибин» китобларини форс тилидан ўзбекчага маҳорат билан таржима қилган.

Огаҳий шеъриятида ижтимоий ҳаёт, ўз замонаси ҳақидаги қарашлар билан бирга, турли зиддиятлар, адолатсизлик, тенгсизлик ҳақида ҳам сўз юритади. Эл-юрт осойишталиги, миллат тақдири учун қайғуриш, муҳтожларга ёрдам бериш, қарам ва мурувватли бўлиш сингари масалалар шоир ижтимоий қарашларининг асосини ташкил этади. Жамият кишиларини иллатлардан холи, юксак маънавиятли кўришни истаган шоир инсон табиати ва хулқ-атворидаги бахиллик, кибру ҳаво, ҳасад, тама, алдамчилик, риёкорлик, бойликка ружу қўйиш сингари камчиликларни қоралайди. Одамийлик, саҳийлик, покизалик, тўғрилиқ, ҳалоллик, шукроналик сингари инсоний сифатлар улуғланади.

Шоир назарида кишининг бошига келадиган балолар ҳам, эзгуликлар ҳам унинг амаллари ва хатти-ҳаракатларига боғлиқ. Зеро, ҳар қандай ёмонлик бу дунёда жавобсиз қолмайди.

**Эй кўнгул, яхшилиғни қил пеша –
Ки, ямонлиғ эрур ямонга жазо.
Кимки тарк айласа ямонлиғни,
Бўлур, албатта, яхшилиғга сазо.**

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Огаҳийнинг ўзбек тили лексикасини бойитишда ўзига хос хизматлари беқиёсдир. У шоир, таржимон, тарихнавис сифатида қатор бирикма ва иборалардан фойдаланган ҳолда, самарали ижод қилди, уларни ўз асарларида маҳорат билан қўллади, бадиий кашфиётлар яратди.

**Олтиной ТОЛИПОВА,
ИИБ Ихтисослаштирилган
мактаб-интернати ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси.**



ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур синдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган.

Бу юк келажакимизнинг бунёдкорлари – ёшларни ватанпарвар, ўз касбини севувчи, юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият соҳиби этиб тарбиялашдек масъулиятли вазифани амалга ошириш учун Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш ва кафолатлаш чораларини кўряпти. Шунингдек, ҳуқуқий тарғиботга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида «жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!» деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш ниҳоятда зарурдир.

Бош қомусимизда: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни-шавкати, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», дейилган. Бундай таъриф ҳар бир ўзбекистонлик учун бебаҳо қонуний устуворликни касб этади. Шунинг учун қонун устувор бўлган юртнинг келажак ойдин ва

тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ ҳамдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунга ҳурмат муносабати ўзида руҳий ва ғоявий-мафкуравий босқичларни мужассамлаштиради. Чунончи, ички ишлар органлари ходимидаги руҳий даража – бу ҳуқуқий онгга нисбатан ҳурмат туйғуси ҳамда ундаги талабларнинг адолатлилигида намоён бўлади. Яъни, туйғулар жуда барқарор ва ижтимоий муҳитнинг носоғ-



лабларининг бузилишига қарши туради, ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз бўлади. Уларда ҳуқуқий жавобгарлик ва интизом туйғуси юқори даражада шаклланади.

Шахснинг оила олдидаги ижтимоий-ҳуқуқий жавобгарлиги ва бурчи бебаходир. Чунки бу туйғуларнинг қарор топиши, аввало, улар тарбия олаётган оилада шаклланади ва келажакда ёшларда жамият, давлат олдидаги масъулият ҳамда жавобгарлик ҳис-туйғуларининг пойдевори айланади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият маънавий ва ахлоқий меъёрларга таянар экан, ёшлик давридаёқ оилада ҳуқуққа бўлган

ҳурмат, ҳар бир ишга нисбатан жавобгарлик, интизомлилик, тартиблилик туйғусини шакллантириши лозим.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, Президентимизнинг юқорида зикр этилган фармонида белгиланганидек, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифадир.

Карим НОРМАТОВ,
ИИБ Академияси
профессори,
тарих фанлари доктори.



стратегик жиҳатдан истиқболга эгадир. Инсон ҳуқуқлари демократия ва адолат

лом ҳодисаларига бардошли бўлади. Демак, улар ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият та-

маънавий ва ахлоқий меъёрларга таянар экан, ёшлик давридаёқ оилада ҳуқуққа бўлган

ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИДА

ХАВФСИЗЛИК ДОИМО ЭЪТИБОРДА



ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли 7535-ҳарбий қисмда (Тошкент вилояти) шахсий таркибнинг маънавиятини ошириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш мақсадида турли учрашув-



лар ва давра суҳбатлари ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилиб келинмоқда.

Яқинда ушбу ҳарбий жамоада йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қонунийликка риоя этиш, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Уни ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, подполковник Эшпўлат Йўлдошев очиб, қиш мавсумида йўлларда ҳаракатланиш ҳайдовчилардан ўта ҳушёрлик ва синчковликни талаб этишини таъкидлади.

Шундан сўнг Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ИИБ ЙХХБ ЙПХ катта

инспектори, катта сержант Элдор Эгамов сўзга чиқиб, йўл-транспорт ҳодисалари юз беришига автоуловларнинг техник носозлиги ҳам сабаб бўлишини эслатиб, бу борада ҳаётий мисоллар келтириб ўтди. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари йўлларда ҳаракатланиш, транспорт воситаларини бошқариш чоғида йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш борасида бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларига ўрнак бўлиш зарурлигини таъкидлади. Тадбирда йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлувчи бошқа омиллар ҳусусида ҳам шахсий таркибга маълумот бериб ўтилди.

Ўз навбатида, учрашув иштирокчилари йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ қонунчиликдаги янгиликлар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан батафсил жавоб олишди. Тадбир сўнгида йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда уларнинг салбий оқибатлари ҳусусидаги фильм намойиш этилди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Postda» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

ЗДОРОВЬЕ

Всем известно, что значит для человека нормальный полноценный сон – это и здоровье, и высокая работоспособность, и стабильное психологическое состояние. Сегодня мы расскажем о маленьких нюансах, которые помогут сделать ночной отдых крепким и спокойным.



Сон восстанавливает организм

Для начала попробуйте соблюдать простые правила:

- перед сном не употребляйте обильную, жирную и острую пищу;
- ужинайте не позднее, чем за два часа до засыпания;
- во второй половине дня исключите кофе и крепкий чай;
- повысьте свою ежедневную физическую активность;
- старайтесь ложиться и вставать каждый день в одно и то же время;
- пейте перед сном травяные чаи.

Хорошо снимают усталость и даруют крепкий сон:

- **пустырник**. Обладает успокаивающим и спазмолитическим



действием. Способствует снижению артериального давления. Перед сном можно выпить отвар: 1 ст. ложка сухого сырья на 1 стакан кипятка или накапать в теплый чай 10-15 капель аптечной настойки;

- **мелисса лекарственная**. Является успокаивающим, спазмолитическим, болеутоляющим средством.



Отвар: 1 ст. ложка травы на 1 стакан кипятка;

- **хмель**. Обладает успокаивающим действием. Способствует укреплению

сердечно-сосудистой системы. Отвар: 1 ст. ложка на 1 стакан кипятка;

- **ромашка аптечная**. Содержит флавоноиды и эфирное масло, в



состав которого входит хамазулен и изовалериановая кислота. Успокаивает нервную систему. Отвар: 1 ст. ложка на 1 стакан кипятка;

- **боярышник**. Принимают при лечении нервных болезней, бессоннице и сердечных неврозах. Отвар из плодов: 1 ст. ложка на 1 стакан воды;

из цветов: 3 ст. ложки на 3 стакана кипятка. Пить по одному стакану 3 раза в день за полчаса до еды;

- **тыква**. На ночь выпивать стакан тыквенного сока, смешанного с медом;

– **укроп**. 2 ч. ложки семян заварить стаканом кипятка и принимать утром и вечером в теплом виде;

– **лаванда**. Перед сном смазать лавандовым маслом виски или 3–5 капель лавандового масла налить на кусок сахара и держать во рту;

- **шиповник**. Напиток этих плодов полезен при утомлении, улучшает



сон и снимает стресс. Идеально сочетается с медом и горькой полынью.

Как правильно спать при болях в желудке:

- лечь на левый бок;
- между коленями положить подушку.

в спине:

- лечь на спину;
- под колени положить подушку;
- под поясницу положить свернутое полотенце.

головных:

- лечь прямо;
- голову обложить подушками, чтобы она не поворачивалась во сне.

при насморке:

- лечь на спину;
- голова должна быть выше уровня тела.


Что это такое?

Это состояние, когда человек испытывает сильный и беспричинный страх, который вызывает целую цепочку реакций: учащается сердцебиение, повышается давление, не хватает воздуха. Ноги становятся «ватными», появляется дрожь и озноб, рот пересыхает, способность к концентрации резко снижается. У некоторых людей возникает ощущение скорой смерти, что дополнительно усиливает приступ. Длиться состояние может от нескольких минут до нескольких часов.

Важно вовремя обратиться к специалисту. Если за год вы несколько раз испытывали панические атаки, то стоит записаться на прием к психологу, психотерапевту или психиатру.

Кто подвержен?

Это может случиться с каждым человеком, но есть и группы риска. Считается, что порядка 5% обитателей мегаполисов подвержены паническим атакам. В группу риска входят люди с так называемым катастрофическим мышлением, склонные к драматизму и преувеличениям, а также тревожным расстройствам, социофобии или обостренной эмоциональной восприимчивости.



Спусковым механизмом могут послужить серьезное переутомление, ожидание важного события, различные психологические травмы.

Утренние или ночные?

Ночью, когда самоконтроль ослабевает, стресс словно бы «нагоняет» организм и обрушивается на него. Результатом становится не только бессонница, но и настоящая паника, когда ужас вызывают и собственные стены, и знакомые предметы мебели. То же самое касается и утренних панических атак. Если подсознательно у человека поход на работу (или просто путь до нее) вызывает сильные переживания и неприятные эмоции, то звонок будильника может стать триггером для запуска панической атаки.

Что делать?

1. Самое главное – отвлечься от испытываемого ужаса. Для этого все средства хороши. Если вы любите

играть в игры на смартфоне – скорее запускайте самую любимую из них. Можно постараться почитать книгу, включить музыку, начать записывать в дневник свои ощущения, заняться устным счетом. Любое из этих действий требует концентрации внимания, а значит, ослабляет паническую атаку. Однако беда в том, что как раз сконцентрироваться в такой ситуации очень трудно, и это потребует от вас больших усилий.

2. Неплохо занять чем-нибудь не только мозги, но и весь остальной организм. Например, можно перебирать тактильные ощущения, или положить в рот леденец и задействовать вкусовые рецепторы, или массировать мочки ушей, сжимать и раз-

жимать ладони – дать работу мышцам.

3. Не лишним будет иметь под рукой бутылку воды. Во время панической атаки нередко становится душно, ощущается острая нехватка кислорода, и несколько глот-

ков воды хотя бы отчасти решат эти проблемы.

4. Приступ вызывает учащение сердцебиения, что, в свою очередь, дополнительно усиливает страх и создает дискомфорт. Унять «взбесившееся» сердце можно, к примеру, **нормализовав дыхание.** При первых приступах паники начинайте дышать, считая по тактам: четыре – на вдох, четыре – на задержку дыхания и четыре – на выдох.

5. Неплохим помощником может стать приложение «АнтиПаника». Там есть и полезная информация о панических атаках, и дыхательные упражнения, и так называемые совладающие карточки, которые помогут снизить уровень тревоги.



ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

ОНЛАЙН-ПРИЕМ ПРОДОЛЖАЕТСЯ

Командование Национальной гвардии Республики Узбекистан наладило эффективную деятельность по обеспечению социальной защиты военнослужащих, сотрудников и членов их семей. Принимаются конкретные меры по изучению и правовому разрешению имеющихся проблем.

Под председательством командующего Национальной гвардией состоялся онлайн-прием военнослужащих и сотрудников подразделений Нацгвардии, расположенных в



Навоийской области, членов их семей, а также граждан, обратившихся с заявлениями.

В мероприятии приняли участие руководители областных управлений государственных организаций и общественных объединений. Были определены меры по своевременному решению изложенных в обращениях вопросов.

На ответственных сотрудников Национальной гвардии возложено осуществление контроля за их исполнением.

«ВМЕСТЕ МЫ ПОБЕДИМ КОРРУПЦИЮ!»

– так назывался конкурс, приуроченный к Международному дню борьбы с коррупцией, проведенный в рамках «Антикоррупционной недели».



По его итогам, первое место в номинации «За лучшую изобразительную работу и графический дизайн» занял преподаватель изобразительного искусства Республиканского специализированного академического лицея музыки Национальной гвардии Республики Узбекистан Бобур Расулов.

От имени командования и личного состава Национальной гвардии Республики Узбекистан искренне поздравляем Бобура Расулова и желаем ему дальнейших успехов.

От имени командования и личного состава Национальной гвардии Республики Узбекистан искренне поздравляем Бобура Расулова и желаем ему дальнейших успехов.

ЗА ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ



В Ташкенте с участием представителей командования Национальной гвардии и руководителей организаций и директоров школ Сергелийского района было проведено совещание, на котором обсуждались вопросы дальнейшей популяризации спорта среди учащихся, повышения эффективности работы спортивных секций, определены конкретные задачи по совместному решению существующих в этой сфере проблем.

При отделе народного образования Сергелийского района функционирует 31 общеобразовательная школа. В школе № 329 открылись семь спор-

тивных секций, в том числе по дзюдо, тазквондо, художественной гимнастике, футболу, шахматам и шашкам, волейболу (отдельно для мальчиков и девочек). Сегодня их посещают более 200 ребят, в среднем в каждой из них занимаются по 30 мальчиков и девочек.

Аналогичные секции функционируют и в других школах района. Всего к спортивным занятиям привлечены свыше 9 100 учащихся и представителей молодежи.

Сотрудники Национальной гвардии продолжают работу по пропаганде физкультуры и спорта среди юношей и девушек, проживающих в районе.

НАГРАДА – ПОБЕДИТЕЛЯМ

В Каракалпакистане завершились соревнования за Кубок Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакистан по рукопашному бою.

В турнире, проходившем в духе непримиримой борьбы, участвовали свыше ста спортсменов. В общекомандном зачете лучшими были названы представители Управления Национальной гвардии по Республике Каракалпакистан. Второе место заняли спортсмены МВД Каракалпакистана, третье – представители Федерации рукопашного боя правоохранительных органов Каракалпакистана.

В церемонии награждения спортсменов приняли участие представители Жокаргы



Кенеса, руководители МВД, Управления Национальной гвардии, Федерации рукопашного боя, Министерства физической культуры и спорта Каракалпакистана и других организаций.

Победителям и призерам соревнований вручили кубки, дипломы и памятные подарки.

В СЕРАЦАХ МОЛОДЕЖИ – ЛЮБОВЬ К РОДИНЕ



Управлением Национальной гвардии по Сырдарьинской области совместно с областным советом Агентства по делам молодежи проводятся мероприятия в рамках проекта: «Рядом с военными».

Недавно 30 спортивных лидеров школ городов и районов области встретились с военнослужащими.



Ребята посетили учебный полигон, приняли участие в различных мероприятиях. Например, соревновались в том, кто сможет быстрее и лучше установить палатку в полевых условиях, получить чистую питьевую воду путем ее фильтрации естественными способами. Военнослужащие обучили школьников методам работы с компасом, а психологи Национальной гвардии организовали для них специализированные тренинги.

Самые активные участники были награждены дипломами и памятными подарками. Завершилась встреча концертной программой.

Материалы полосы подготовила
Нозима МАХМУДОВА,
лейтенант.

ОСТОРОЖНО: МОШЕННИКИ!

Сколько веревочке ни виться...



Одно из самых распространенных правонарушений, встречающихся в наши дни, – мошенничество. Современные обманщики используют различные приемы, чтобы войти в доверие к гражданам. Они обещают, играют на чувствах... Но ими всегда движет лишь жажда наживы.

«Моя мама тяжело больна, необходимо купить лекарства... Ой, деньги дома забыл. Не могли бы мне одолжить эту сумму денег?..» – приблизительно так началась история, завершившаяся в зале Яккасарайского районного суда по уголовным делам города Ташкента.

23 сентября был вынесен приговор ранее судимому, 24-летнему Даврону Ерманову (имена и фамилии участников уголовного дела изменены из этических соображений), обвиняемому в совершении преступления, предусмотренного статьей 168 («Мошенничество») Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

В ходе предварительного следствия старший следователь СО ОВД № 4 УКД ОВД Яккасарайского района старший лейтенант Фаррух Назаров собрал неопровержимые доказательства причастности Даврона к преступлению. В уголовном деле фигурируют шесть потерпевших и свидетелей. Общий ущерб, причиненный мошенником своим

жертвам, превысил 5 миллионов сумов.

Действовал Даврон по следующей схеме. Как следует из материалов уголовного дела, на протяжении полутора месяцев он ловил попутки, просил займы у водителей якобы для приобретения в аптеке лекарства для матери, обещал по приезду домой вернуть деньги. Таким образом, он присваивал средства доверчивых граждан.

В одном из эпизодов, произошедшем 28 июня, Даврон сел в машину к 54-летнему Фуркатбеку И. и попросил денег, чтобы совершить покупку. Деньги пообещал вернуть по возвращении домой, а также оплатить поездку. Фуркатбек, поверив молодому человеку, дал 600 000 сумов. Взяв деньги, злоумышленник скрылся.

В другом случае на удочку мошенника попался 40-летний Пулат З. Он сообщил, что 1 июля подвозил на машине парня, который, доехав до пересечения улиц Ш. Руставели и Бабура, попросил займы 100 долларов США якобы для приобретения лекарства для мате-

ри, пообещав вернуть деньги, как приедет домой. Пулат, поверив на слово, дал 700 000 сумов. Молодой человек зашел в аптеку, совершил покупку на 50 000 сумов, вошел в подъезд многоэтажного дома, вышел с заднего крыльца и скрылся.

Пострадавшие обратились в органы внутренних дел. Было возбуждено уголовное дело. Состоялся суд, на котором Даврона Ерманова признали виновным в совершении преступления, предусмотренного пунктом «б» части 3 статьи 168 УК Республики Узбекистан. Ему назначено наказание в виде двух лет и семи месяцев исправительных работ с отчислением 20 процентов от заработной платы в пользу государства. На заседании суда мошенник раскаивался в содеянном, просил снисхождения.

Хочется попросить наших граждан не быть излишне доверчивыми. Не спешите отдавать деньги незнакомым людям, рассказывающим душеспасительные истории.

Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА, корреспондент «На посту».



ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

(с 21 по 27 декабря)



Овен. Любовь, дружба, релаксация – цели, к которым вы стремитесь на этой неделе. Вас поглотят планы предпраздничных визитов и необходимых покупок. На работе доверяйте интуиции. Это позволит вам вовремя отказаться от дел или соглашений, которые в будущем окажутся невыгодными.



Телец. На этой неделе вы сделаете что-то наперекор обычным схемам. В вашей жизни настало время для наведения порядка. Вы перестанете интересоваться постоянно жалующимися людьми, избегать мест, где можете встретить бывших знакомых. Предновогодний шопинг повысит настроение.



Близнецы. Все будут радоваться предстоящим праздникам, но вы почувствуете себя уставшими. Полюбите себя, сделайте или купите то, что может доставить вам удовольствие. А потом с большей готовностью займитесь домашними делами и приготовлениями к празднику.



Рак. Никто и ничто не помешает вам осуществить свои планы, поэтому не медлите и будьте уверены в себе. Упорство в достижении цели удивит коллег и обеспечит хорошие позиции в течение следующих нескольких месяцев. Только помните, что многое зависит от обаяния и неформальных знакомств.



Лев. Удача вас не оставит, вы не будете беспокоиться из-за негативной информации. Наоборот, все красивое и удобное покажется вам замечательной инвестицией. Даже если семья станет возражать против больших расходов, вы все равно настаите на своем. В выходные с удовольствием встретитесь с родственниками.



Дева. На работе будет больше спокойствия. Это позволит выделить время на собственные нужды. Вы переделаете домашние дела, выберете подарки. Берегите секреты от людей, которые думают только о собственной выгоде. Прежде чем начать кому-то помогать, подумайте, сможете ли выполнить обещанное.



Весы. Постарайтесь избежать рискованных и необдуманных решений. Сейчас неподходящее время начинать большую уборку или затевать ремонт. Не позволяйте провоцировать вас разными придирками. В середине недели постарайтесь найти время для отдыха.



Скорпион. Вкладывайте время и энергию в новое хобби. Чем оно необычнее, тем лучшим будет ваше самочувствие. Ищите вдохновение, находите приглашения на интересные онлайн-встречи. На работе ожидается относительное спокойствие. Неделя благоприятствует удачным покупкам.



Стрелец. Некоторые люди могут вас раздражать. Пора призвать всех к порядку. Принимайте важные решения, требуйте от других уважения. Вас ждет планирование семейных встреч и других мероприятий. Держите нервы в узде, и предновогодние дни пройдут великолепно.



Козерог. Вы познакомитесь с приятными людьми. На работе вас оценят, и даже начнут подражать. Следите за состоянием ваших дел. Вы быстро сделаете выводы, которые удивят неприятелей и позволят произвести впечатление на начальство. Позаботьтесь о здоровье. Отдохните, не переутомляйтесь.



Водолей. Поберегите нервы. Делайте все так, чтобы вам было удобно, не экономьте на необходимом. Дом покажется вам несовершенным местом, которое нужно быстро отремонтировать и тщательно убрать, чтобы все было как положено. Если домочадцы будут лениться, вы выскажете все, что о них думаете.




Рыбы. Вас ждет неделя на высоких оборотах. Семья поставит перед вами серьезные задачи, нужно будет продемонстрировать организационные навыки. Не нервничайте, вы со всем справитесь. Друзья помогут разобраться с делом, которое давно назрело и очень вас нервирует.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

ХҲҲЖА МУШКЕНТ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Мамлакатимизда муқаддас қадамжолар жуда кўп. Ҳар бири ўз тарихига эга. Жумладан, Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида жойлашган Хўжа Мушкент ота зиёратгоҳи ҳам кўпчиликка яхши таниш.



Ривоят қилишлари-ча, Марказий Осиёда муқаддас ислом дини ёйила бошлаган даврда Хўжа ибн Исҳоқ исми зот яшаган. У каромат соҳиби бўлиб, одамлар орасида Хўжа Исо Валий номи билан танилади. Ўша даврда маҳаллий халқнинг аксари зардуштийлик динида бўлган. Хўжа Исо Валий ислом динини кенг тарғиб қилган, натижада кўпчилик ислом динини қабул қилади. Бу ҳолат айрим зардуштий дини пешволарининг гашини келтиради ва Хўжа

ўнлаб булоқлари бор гўзал масканга бориб қолади. Ортидан ёвнинг изма-из таъқиб қилиб келаётганини билиб, тикликдан оқиб тушаётган булоқ сувининг ортидаги чоғроққина ўйиққа елкасини тираганча яширинади. Зилол сув ҳосил қилган парда уни душманлардан қутқаради. Аммо ғанимлар Хўжа ибн Исҳоқни таъқиб қилишдан тўхтамайди. Шунда авлиё рўпарасидаги тикликни мушти билан уради. Унинг кучли зарбидан ёки каромати туфайли ғор ҳосил бўлади. Авлиё ана шу

кага ўтиб кетган экан. Мазкур воқеа сабаб халқ бу жойни «Хўжа Мушкент ота» деб атай бошлаган. Бора-бора бу гўша зиёратгоҳга айланади. Кейинчалик Хўжа Мушкент ота ҳосил қилган бешта кириш жойига эга, узунлиги етти, эни уч метр, баландлиги одам бўйи бўлган ғор сўфийлар учун чиллаҳона вазифасини ўтаган.

Аммо шўролар даврида Хўжа Мушкент ота зиёратгоҳи қаровсиз жойга айланган. Юртимиз узра истиқлол қуёши балқигандан сўнггина мамлакатимиздаги кўплаб муқаддас қадамжолар қаторида ушбу зиёратгоҳга ҳам эътибор қаратилди. 2014 йили эса зиёратгоҳ қайтадан реконструкция қилиниб, шарқ меъморчилиги анъаналарига хос юз ўринли масжид, зиёратчилар учун қирқ ўринли ошхона, ўн икки ўринли меҳмонхона, автомобиль сақлаш жойлари, кўприклар, айвонлар қурилди. Сарик тусли ғиштлар, нақшинкор устунлар биноларга ўзига хос маҳробат бахш этиб туради.

Энг юқорида эса икки хонадан иборат мақбара жойлашган. Биринчи хонада куръон тиловат қилинади. Бинога қўрқ бахш этиб турган айлана куббанинг ички қисмига кўк, қизил тусли бежирим шарқона нақшлар туширилган. Ички хонада

эса Хўжа ибн Исҳоқнинг рамзий қабри жойлашган.

Хўжа Мушкент ота зиёратгоҳининг ўзига хослигини таъминловчи омиллардан бири булоқлардир. Айни шу булоқлар сабаб йилнинг илиқ-иссиқ фаслларида бу ер яшилликка бурканади. Ана шу гўзаллик зиёратчиларнинг қалбини ром этиб, ўзига тортади. Худуддаги булоқларнинг бир нечтаси машҳур ва ўзига хос номга эга: Ниятбулоқ, Муродбулоқ, Иситмабулоқ, Қўтирбулоқ, Қайтармабулоқ, Чирикбулоқ, Англаганигиздек, ҳар бир булоқ ўз номи билан боғлиқ хосиятга эга. Маҳаллий аҳоли, зиёратчилар чашмаларнинг сеҳрли кучига ишонади, шу боис ҳам Яратгандан ниятлари рўёбини сўраб, сувни ихлос билан қониб-қониб ичишади.

Баъзи маълумотларга кўра, худудда 365 та булоқ бор. Халқда ҳар бир булоқ йилнинг қайсидир кунини ифодалашга тўғрисида қарашлар ҳам мавжуд. Ушбу булоқ сувларининг барчаси Хўжа Мушкент ота сув омборига қуйилади ва худуддаги қишлоқ аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда деҳқончилик мақсадларида ишлатилади.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» муҳбири.

Жиззах вилояти.



Исо Валийни йўқ қилиш ҳаракатига тушиб қолишади. Буни сезган авлиё қочишга уринади. Юриб-юриб қирликлар орасида жойлашган,

ғорга кириб кетади. Ортидан борганлар эса уни тополмай қайтиб чиқишади.

Нақл қилишларича, кароматли бу инсон ғор орқали Мак-

САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАР САМАРҚАНД

*Гўзал жамолингга
тўйиб боқиш-чун,
Шошилади Шарқдан
қуёш ҳар саҳар.
Билсанг, йўқдир сенга
муносиб таъриф,
Ҳатто асрларни
қаритган шаҳар.*

*Ҳайратга юз бурди
хорижлик сайёҳ,
Кўзлари қувончдан
ёшланиб бирдан.
«Мени ўзингизга
ватандош билинг,
Саломлар келтирдим
Мирзо Бобурдан».*



А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

Postda
на посту

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –

polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –

mayor Azizjon FAYZIYEV
katta leytenant
Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –

Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –

Foziljon MAMASHARIPOV
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –

Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari
bo'yicha:

71-231-38-74;

95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



9 772010 535001

Tahririyat

hisob raqami

2021000900447980001.

Bank kodi 00420.

ATIB

«Ipotekabank»ning

Mirobod

filiali.

STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-4466.

Bosilish – ofset usulida.

Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 664 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.

Tashkilotlar uchun – 366.

Bosishga topshirish vaqti – 22.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk
ko'chasi 9-uy.